БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 132 (19.803). ● 1987 йил 9 июнь, сешанба ● Баҳоси 3 тийин.

«СИБИРЬ» АТОМ МУЗЁРАРИДАГИ ЮҚОРИ КЕНГЛИК ЭКСПЕДИЦИЯСИНИНГ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Азиз ўртоқлар!

Совет кишилари сизларнинг экспедициянгиз қандай ўтаётганини ифтиҳор билан, қойил қолиб кузатиб турибдилар. Арктикани ўзлаштириш ва ўрганишнинг шонли тарихига янги ажойиб саҳифа битилди.

Белгиланган программа муваффақиятли тугалланишига тилакдошман. Сизларга сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат тилайман, социалистик Ватанимиз фаровонлиги йўлида сизларга янги зафарлар ёр бўлсин.

М. ГОРБАЧЕВ.

Ҳурмат тахтаси

Пилла тайёрлаш планини муддатидан илгари бажарганликлари учун қуйидагилар республика «Ҳурмат тахтасига ёзилдилар:

Қашқадарё области — область партия комитетининг секретари И. А. Каримов, область ижроия комитетининг раиси А. Г. Кадин, область комсомол комитетининг секретари М. Саидмуродова, область агросаноат комитетининг раиси О. Суяров, область пиллачилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори А. Тўраев;

Комсомолобод райони — район партия комитетининг секретари Х. Р. Рустамов, район ижроия комитетининг раиси А. А. Дудник, район комсомол комитетининг секретари А. Маҳамадалиев, РАПО раиси М. Мирзамаҳмудов, бош пиллахона директори Н. Ғаниев;

Бўз райони — район партия комитетининг секретари А. С. Сатторов, район ижроия комитетининг раиси Э. М. Эгамова, район комсомол комитетининг секретари К. Раҳимов, РАПО раиси К. Ҳасанов, бош пиллахона директори Т. Тожиматов;

Ленин райони — район партия комитетининг секретари З. У. Усмонов, район ижроия комитетининг раиси, Ш. Т. Матазимов, район комсомол комитетининг секретари М. А. Алимов, РАПО раиси М. Мамажонов, бош пиллахона директори У. Акбаров;

Қува райони — район партия комитетининг секретари А. Мирахмедов, район ижроия комитетининг раиси Х. Ашуров, район комсомол комитетининг секретари Н. Ўрмонов, РАПО раиси С. Мирзаев, бош пиллахона директори Н. Асқаров.

ҚАЙТА ҚУРИШ ВА ЖАДАЛЛАШТИРИШ ЙЎЛИДАН

Қўриқ Қашқадарё областида қудратли ишлаб чиқариш потенциали вужудга келтирилган бўлиб, у халқ хўжалигининг кўпгина тармоқлари интенсив ривожлантирилишига кўмаклашиши лозим. Бироқ ана шу имкониятлардан тўла-тўкис фойдаланилаётгани йўқ. Партия-хўжалик активларининг Қаршида бўлиб ўтган йиғилишида шундай хулоса чиқарилди. Область партия, совет ва хўжалик органларининг Улуғ Октябрь 70 йиллиги шарафига қабул қилинган социалистик мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш соҳасидаги вазифалари кўриб чиқилди.

Йиғилишни Қашқадарё область партия комитетининг биринчи секретари И. А. Каримов очди.

Сўзга чиққан кишилар — Ульянов район партия комитетининг биринчи секретари Ф. Омонов, «ВЛКСМ 60 йиллиги» совхози директорининг ўринбосари Д. Муродова, Нишон районидаги У. Юсупов номли совхоз директори Х. Фармонов, Чироқчи районидаги «Коммуна» колхозининг бригадири У. Ҳайитова, Нишон районидаги У. Юсупов номли совхоз бригадири С. Холбоев, Қарши районидаги «Партия XXVI съезди» совхози 2-агроучасткаси бошлиғи У. Шоймуродов, Муборак газни қайта ишлаш заводи партия комитетининг секретари Р. Воҳидов, Усмон Юсупов районидаги «Пахтакор» совхозининг директори Х. Шукуров, Чироқчи районидаги Охунбобоев номли совхоз комбайнчиси О. Қобулов, Шаҳрисабз шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Ш. Мансурова, Яккабоғ районидаги «Ленин учқуни» колхозининг сут соғувчиси С. Мейлиева, Ғузор район ижроия комитетининг раиси А. Ачқасов, Китоб район уруш ва меҳнат ветеранлари жамиятининг раиси Т. Чориев область ҳалқ хўжалиги тармоқларида вужудга келган аҳволни чуқур ва танқидий анализ қилдилар.

Инсон омилини активлаштирмай, меҳнат коллективлари онгли ижодий ташаббус кўрсатмай туриб қайта қуришни, вазият соғломлаштирилишига қаратилган йўлни тасаввур этиб бўлмаслиги қайд этиб ўтилди. Кейинги вақтларда область турмушининг кўпгина соҳаларини ривожлантиришдаги турғунликни бартараф этишнинг дастлабки белгилари намоён бўлди. Улуғ Октябрнинг 70 йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан социалистик мусобақа тобора қучаймоқда. Область меҳнаткашлари бўлажак юбилей шарафига бу йил ишлаб чиқариш ҳажмини 9 процент ошириш, планга қўшимча равишда 15 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилиш мажбуриятини олдилар. Қишлоқ хўжалиги меҳнатчилари давлатга 600 минг тонна «оқ олтин» сотиш, ҳосилнинг 67 процентини машиналар билан йиғиштириб олиш ниятидадирлар. 280 минг тонна дон етиштиришга, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари тайёрлаш планларини ошириб бажаришга ҳам ахд қилинган.

Капитал маблағлар ҳажми ортади. Йил охиригача 256 минг квадрат метр уй-жойни фойдаланишга топшириш мўлжаллаб қўйилди, одамларнинг меҳнат, турмуш ва дам олиш шароитлари яхшиланади. Савдо, алоқа корхоналари ҳамда маиший хизмат соҳасининг ходимлари Октябрь юбилейи шарафига янги марраларни белгилаб олдилар.

Ана шу мажбуриятлар қандай бажарилмоқда? Область саноати беш ой якунларига кўра, планга қўшимча 27,5 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилди. Аммо бу кўрсаткич билан фахрланишга ҳали эрта. Чунки планлар пасайтирилганлиги, мавжуд резервларни ҳисобга олмай қабул қилинганлиги яққол кўриниб турибди. Нотиқлар ҳаққоний айтиб ўтишганидек, бундай енгил-елпи ёндашув қайта қуриш ғоясига тубдан зид бўлиб, меҳнат коллективларининг шахтини қайтаради. 13 та ишлаб чиқариш корхонаси ишлаб чиқариш ҳажми юзасидан планни нима учун бажармаганлиги, 23 та корхона эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан уни пасайтириб юборганлиги ҳусусида ҳам чуқур фикр юритиш керак.

Шартнома мажбуриятларини барбод этиш кўпайиб бораётганлиги алоҳида ташвиш уйғотмоқда, деб таъкидлашди нотиқлар. Ўтган йилга нисбатан турдош корхона ходимларига етказиб берилмаган маҳсулот ҳажми икки баравар ошди ва салкам ўн миллион сўмликни ташкил этди. Ульянов, Ғузор ва Нишон пахта заводлари, Китоб йиғирув-тўқув фабрикаси ва Шаҳрисабз мебель фабрикаси энг ношуд корхоналар жумласидандир. Корхоналарнинг учдан бир қисми меҳнат унумдорлигини ўстириш планини бажармади. Газ қазиб чиқарувчи ва газни қайта ишловчи корхоналарда ҳамма иш ҳам, айниқса «зангори ёнилғи»ни қайта ишлаш сифати кўнгилдагидек эмас. Шу сабабга кўра, ҳар йили 200 миллион киловатт-соат электр энергияси ва эллик миллион кубометр газ ортиқча сарфланаётганлиги ҳисоблаб чиқилган. Қишда Муборак ТЭЦида содир бўлган авария халқ хўжалигига каттагина иқтисодий зарар етказди. Бундан тегишли хулосаларни чиқариб олиш ва бўлажак қишга ҳозирданоқ тайёргарлик кўриш керак. Ҳозирча эса ёқилғи-энергетика комплексидаги ишлар графикдан жуда орқада қолган ҳолда олиб борилмоқда. Областда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва уларнинг сифатини яхшилаш муаммолари ўткир бўлиб турибди. Қарши тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг ўзигина беш ой мобайнида ярим миллион сўмлик буюмни кам берди. Китоб йиғирув-тўқув фабрикасидаги қувватлардан дуруст фойдаланилмаяпти. Ваҳолонки, ҳозир гап корхоналарнинг кўпини икки ва уч сменали иш режимига ўтказиш тўғрисида бораяпти. Капитал қурилишда ҳам нуқсонлар бор. Асосий кўрсаткичлар юзасидан беш ойлик план барбод этилди, уй-жой, мактаблар, касалхоналар, мактабгача тарбия болалар муассасалари, социал, маданий ва маиший объектлар қурилиши топшириқлари бажарилмаяпти. Шаҳрисабздаги консерва ҳамда ёғ-пишлоқ заводларида ажратилган капитал маблағлар ўзлаштирилмаяпти.

Нотиқлар агросаноат комплексидаги проблемалар тўғрисида ҳам кўп гапирдилар. Жумладан, кўпгина қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши раҳбарларида деҳқончиликнинг илмий жиҳатдан асосланган системаларини жорий этишга ҳамда чорвачиликни интенсивлашга менсимай қараш одат бўлиб қолганлиги таъкидланди. Хўжаликни бошқариш савиясининг пастлиги, Қарши даштини ўзлаштиришдаги жиддий нуқсонлар аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашга салбий таъсир қилмоқда.

Йиғилишда область халқ хўжалиги турли тармоқлари фаолиятидаги нуқсонларнинг сабабларини очиб ташлаш билан бирга уларни тезроқ бартараф этишнинг конкрет ташкилий ва идеологик чора-тадбирлари ҳам белгиланди. Биринчи навбатда хўжалик раҳбарларининг, меҳнат коллективларининг топширилган иш учун масъулиятини ошириш керак, дейишди нотиқлар, партия ташкилотлари қабул қилинган мажбуриятларнинг бажарилишини қаттиқ назорат қилиб боришлари, меҳнатни ташкил этишнинг илғор формалари кенг жорий этилишига эришишлари, одамларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш тўғрисида кўпроқ ғамхўрлик қилишлари лозим.

Ғўза парвариши ва янги ҳосилни йиғиштириб олишга тайёргарлик масалаларига алоҳида эътибор берилди. Ишнинг муваффақияти кўп жиҳатдан кадрларни тўғри танлаш ва жой-жойига қўйишга боғлиқ. Бу масалада демократик асосларни ривожлантириш борасида тўпланган тажрибадан кенг фойдаланиш зарур.

Идеология ходимлари шаънига қаттиқ танқидий гаплар айтилди, улар омманинг меҳнат ва сиёсий фаоллигини оширишга яхши кўмаклашмаётирлар.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев нутқ сўзлади.

Йиғилиш қатнашчилари Қашқадарё области коммунистларига, барча меҳнаткашларига мурожаатнома қабул қилиб, уларни Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги шарафига олинган мажбуриятларни бажариш учун курашга фаол қўшилишга чақирдилар.

(ЎзТАГ).

Избоскан районидаги «Партия XX съезди» колхози механизатори Юсуф Нуриддинов бир овоздан Андижон область Совети депутатлигига номзод этиб сайланди. Айни пайтда у ғўзага ишлов бериш мусобақасида пешқадамлик қилмоқда.

Р. АШУРОВ фотоси (ЎзТАГ).

Суратда: Ю. Нуриддинов.

ҚИШНИНГ ТАЛАБИ ҚАТТИҚ БЎЛАДИ

Унга ҳозирданоқ тайёргарлик кўриш керак

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида бўлиб ўтган кенгашда 1987—1988 йиллар куз-қиш фаслида халқ хўжалигини барқарор ишлашга ҳозирлаш юзасидан партия, совет ва хўжалик ташкилотларининг вазифалари муҳокама қилинди. Кенгашда область, шаҳар ва район партия комитетларининг, бошланғич партия ташкилотларининг секретарлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг ва области ижроия комитетларининг раислари, министрликлар ва идораларнинг, саноат, қурилиш, транспорт, қишлоқ хўжалиги ва уй-жой-коммунал хўжалиги, соғлиқни сақлаш, савдо, маиший хизмат корхоналари ҳамда ташкилотларининг, маориф ва контрол қилувчи органларнинг раҳбарлари қатнашдилар.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари В. В. Сударенков доклад қилди.

Кенгашда қайд этиб ўтилганидек, кейинги вақтларда саноат корхоналарида, қурилишларда, колхоз ва совхозларда, транспортда ва коммунал хўжалигида куз-қиш фаслида ишлашга тайёргарлик авж олдириб юборилди. Аммо бир қанча жойларда корхоналарни, уй-жой фондини, коммунал ташкилотларни ёқилғи ва энергия билан таъминлашда узилишларга йўл қўйилганлигини, бу эса ишлаб чиқариш маромини бузганлигини, меҳнаткашларнинг ҳаққоний таъналарига сабаб бўлганлигини ўтган йиллардаги қишнинг тажрибаси кўрсатди.

Куз-қиш фаслида барқарор ишлаш, аввало ёқилғи энергетика комплекси барча тармоқларининг аниқ-пухта ишлашига боғлиқдир. Республика Энергетика ва электрлаштириш министрлиги ўтган йили сув жуда тақчил бўлиб, гидростанциялар тўхтатиб қўйилишига олиб келганлигига қарамай, энергия етказиб беришнинг барқарорлигини таъминлай олди. Бироқ барча резервлар ҳам ишга туширилди, деб бўлмайди. Янги Ангрен ГРЭСидаги қувватлар ўз вақтида ишга туширилгани йўқ. Сирдарё ва Навоий станцияларида авария ҳолати сабабли машиналарни тўхтатиб қўйишга тўғри келди. Муборак ТЭЦида йўл қўйилган жиддий авария газни қайта ишловчи заводни оғир аҳволга солиб қўйди. Республика газчилари ўтган қишда қизғин меҳнат қилдилар. Улар ҳозир ҳам топшириқлардан ўзиб ишламоқдалар. Шу билан бирга «Союзузбекгазпром» бирлашмаси қишни жуда шай ҳолда кутиб олиш учун ҳали кўп иш қилишига тўғри келади.

«Средазуголь» бирлашмаси, Уй-жой-коммунал хўжалиги, Автомобиль транспорти, Алоқа, Енгил саноат, Маҳаллий саноат министрликлари шаънига танқидий мулоҳазалар айтилди. Бир қанча партия ва совет органларининг фаолиятида ҳам куз-қиш фаслида барқарор ишлашга ҳозирлик кўришда камчилик ва нуқсонлар бор.

Республика колхоз ва совхозларида, агросаноат давлат комитетининг бўлинмаларида анча илиқ келган ўтган йил қиш даврида каттагина нобудгарчиликларга йўл қўйилди. Ҳозир ҳам чорва қишловини уюшқоқлик билан ўтказишни таъминлаш, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва харид қилишни кўпайтириш борасидаги ишлар ҳали ҳамон тегишлича авж олдириб юборилмаган. Иссиқлик шохобчалари ва водопровод тармоқларини ремонт қилиш, фермалар, озуқа цехлари механизациялаштирилиши ва электрлаштирилишини таъминлаш зарур.

Ёқилғи, электр ва иссиқлик энергияси сарфининг аниқ ҳисоб-китоби ва уни контрол қилиш ҳали ҳамма жойда ҳам пухта йўлга қўйилмаганлиги, улардан фойдаланиш қоидаларини бузишга йўл қўйилаётганлиги, хўжасизлик, ташиш ва сақлаш чоғида нобудгарчилик фактлари мавжудлиги уқтириб ўтилди.

Қишга ўз вақтида ҳозирлик кўра бошлаш, ёғин-сочинни ҳар жиҳатдан шай бўлиб кутиб олиш — экономика барча тармоқларининг барқарор ишлашини гарантиялаш, демакдир. Куз-қиш фаслида ҳар бир область, район, шаҳар, корхона ва колхоз, ҳар бир мактаб, касалхона ва болалар боғчаси электр энергияси, ёқилғи, иссиқлик ва сув билан узлуксиз таъминлаб турилиши учун ҳозир бир кунни ҳам бой бермаслик жуда муҳимдир.

Кенгаш ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретарлари А. С. Икромов, В. Н. Лобко, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосарлари В. И. Огарок, И. Х. Жўрабеков, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Ғ. З. Заҳриддинов иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

СССР Олий Совети Президиуми ўртоқ Борис Михайлович **Белоусовни** СССР машинасозлик министри этиб тайинлади.

* * *

СССР Олий Совети Президиуми ўртоқ Вячеслав Васильевич **Бахирев** пенсияга чиқиши муносабати билан уни СССР машинасозлик министри вазифасидан озод қилди.

● 21 июнь—маҳаллий Советларга сайловлар куни

Халқ ўзининг муносиб вакилларини маҳаллий Советлар депутатлигига номзод қилиб кўрсатганида, юртимиз шарафини меҳнат билан улуғлаётган ажойиб аёлларнинг номларини ифтихор билан тилга олди. Уларни чақноқ юлдузларга қиёс қилсак арзигулик.

Қуйида Хонқанинг уч юлдузи билан танишасиз.

ХОНҚА ЮЛДУЗЛАРИ

«ПЎЛАТ ОТ» ЖИЛОВДОРИ

Муборакни прицеп тиркалган тракторнинг рулида учратдик.

— Барака топсин, чиндан ҳам ўт-олов қиз. Даладан фермага пичан ташишда йигитлардан ўзиб ишлаяпти, — деди ферма мудири Маматжўма Сатторов.

Колхоз бош инженери Абдураҳим Ортиқов гапга аралашди:

— Муборакнинг бошқа механизаторлардан фарқ қиладиган жиҳати шундаки, у йил бўйи «пўлат от»дан тушмайди. Ўгит тайёрлаш, ҳашак ташиш, экинни культивациялашда ишлайди, машинада пахта теради.

«Правда» колхози аъзоларининг сайловолди йиғилишида область Совети депутатлигига номзодлар кўрсатилганида, механизатор Муборак Рўзметова кўпроқ овоз олганлиги бежиз эмас. Унинг таржимаи ҳоли қисқагина: ўрта мактабни битириб, колхоз ишлаб чиқаришига келди, механизаторлик касбини эгаллади. Ўн йилдан буён механизатор. Кейинги уч йил ичида машинада 400 тоннага яқин пахта терди. 1500 гектардан ортиқ майдондаги ғўзага ишлов берди, 381 сўмлик ёнилғи ва мойлаш материалини, 203 сўмлик эҳтиёт қисмни тежаб қолишга эришди.

— Мен донгдор механизатор Ҳавасхон опа Хусанович ўз устозим деб биламан. Касбга меҳр қўйишни, меҳнатсеварлик ва камтарликни ўргатгани учун ундан миннатдорман.

Бу сўзларни ҳаяжон билан айтган Муборокнинг ўзи эндиликда устоз ва мураббий. Ҳалима Султонова, Зуҳра Отажонова каби қизлар унинг раҳнамолигида уста механизатор бўлиб етишганлар.

Муборак ишлаб чиқаришда ва жамоат ишларида актив қатнашиш билан бирга, оилада камол топаётган бешта фарзанди тарбияси тўғрисида ҳам сидқидилдан ғамхўрлик қилади

— Сайловчиларнинг наказларини бажаришга ваъда беришгина кифоя эмас, сўз билан иш бир жойдан чиқиши керак. Халқ ишончи зиммамга катта масъулият юклашини ҳис қилиб турибман.

Муборак ана шундай фикрлаб, келгуси ишлар, режалар ҳақида ўйлаяпти.

АТЕЛЬЕДАН — ФЕРМАГА

Ўрта мактабни тамомлагач, Хонқа шаҳар маиший хизмат комбинатига қарашли ателье-га ишга борган қизларнинг орасида Болжон ҳам бор эди. «Ғўзал» ательесида у тикувчига шогирд тушиб, касб эгаллади, енг шимариб ишга киришди.

Ҳамма касб ҳам фахрли эканлигини англаб, чевар тикувчи сифатида ҳурмат қозонган бўлса-да, ёшликда қалбини тўлқинлантирган қанотли орзулар унга тинчлик бермас, зарбдор қурилишларга, қийин участкага бориб ишлаётган йигит ва қизларга ҳаваси келарди.

«Чорвачилик ҳам зарбдор фронт-ку. Деҳқон фарзандиман, қишлоқда ўсганман. Колхоз фермасига бориб ишласам-чи» кўнглидан ўтказди у ва шундай қарорга келди. Болжоннинг орзуси рўёбга чиқди, комсомол йўлланмаси билан «Хоразм» колхози фермасига ишга борди.

Етти йилдирки, Болжон Собирова фермада сут соғувчи. Кейинги уч йил ичида ўз боқимидаги 18 бош сигирнинг ҳар биридан 9800 килограмм ўрнига 10 минг 200 килограмм сут соғиб олди, яъни ҳар бош сигирнинг ўртача йиллик маҳсулдорлиги 3400 килограммни ташкил этди, сигирдан бошма-бош бузоқ олишга эришди.

Фермада меҳнатни ташкил этишнинг пудрат усули жорий қилинишида, озуқа сифати яхшиланиши ва рацион талабларига риоя этилишида илғор сут соғувчининг ташаббускорлигини алоҳида қайд қилсак арзийди. У халқ назоратчиси сифатида чорвадорлар ўртасида меҳнат интизомини мустаҳкамлаш ва уларга қулай шароит яратилишида ташкилотчилик, жонкуярлик кўрсатмоқда.

Ферма коллективи сергайрат чорвадор Болжон Собировани область Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатди. У халқ хизматкори деган номга лойиқ бўлиш ва шарафли бурчни оқлашга сайловчилар олдида қатъий сўз берди. Заҳматкаш, фидойи қизнинг аҳди чин, лафзи ҳалоллигига ишончимиз комил.

ОНА ИБРАТИ

Доно Ҳожиевани Ленин орденли Охунбобоев номли колхозда ва Хонқа районидагина эмас, балки Хоразмнинг ҳамма ерида кўпчилик танийди. Кўксида Ленин ордени ярқираб турган уста пахтакор, ўн икки фарзаднинг тарбиялаб ўстирган Қаҳрамон она пенсия ёшида ҳам колхозда ҳалол меҳнат қилмоқда. Пири бадавлат хонадон аъзолари онла пудратининг афзаллигини тажрибада исботлаб беришди. Улар ҳар йили гектаридан 45-48 центнер ўртасида юқори сифатли пахта ҳосили олишяпти. Доно опа ташаббуси билан ҳосилнинг асосий қисми машинада терилиб, пахтанинг таннархи йилдан-йилга камайиши таъминланяпти.

Қаҳрамон онанинг қизлари Ғулжон, Зуҳрахон ва Бикажонлар колхозчи, Зулфия механизатор, Онажон қўқитувчи, ўғли Ражаббой қурувчи, Қувондиқ яқинда ҳарбий бурчини адо этиб қайтди. Оиланинг ҳамма аъзолари, мактабда ўқиётган кичкинтойлар ҳам оналаридан ибрат олиб, меҳнатда тобланишяпти. Шу боисдан оиланинг коллектив хўжаликка қўшаётган ҳиссаси салмоқли.

Колхознинг Ш. Шарипов бошлиқ бригадаси аъзолари Саропоён қишлоқ Совети депутатлигига Доно Ҳожиева номзодини кўрсатишди.

Қалби қуёш, ҳиммати ummon онахонга эл хизматида куч-қувват, меҳнатда ва ҳаётда янги ютуқлар тилаймиз.

Ф. ЗОҲИДОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

КЕНГ ДЕМОКРАТИЯ АСОСИДА

Совет демократиясини ривожлантириш, сайлов системасини янада такомиллаштиришнинг қай тарзда бораётганини Андижон областининг Ленин райони мисолида кўриш мумкин. Бу районда республикадаги 13 район қаторида кўп мандатли сайлов округлари тузилди.

Райондаги Кужган ва Коллектив қишлоқ Советлари ижроия комитетлари шу йил 21 июнда бўладиган халқ депутатлари маҳаллий Советларига ва халқ судларига сайловларга тайёргарлик ишларини кучайтириб юбордилар.

Кужган қишлоқ Советида бўлдик. Сайловчилар кўрсатган ўз номзодлари тўғрисида фикрларини очиқ-ойдин баён қилдилар, уларнинг фаолиятларини таққослаб кўрсатдилар ва улардан энг муносибларини танлаб олдилар.

«Правда Востока» колхозининг 32-бригада аъзолари шу бригада бошлиғи Сотволди Йўлдошев билан бригада аъзоси Солижон Собировларни район Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатишга бағишланган йиғилишида С. Йўлдошев номзоди танланди. Чунки у илгари район, қишлоқ Советига депутатлик чоғида сайловчиларнинг ишончини оқлаб келган.

Ниёзботир поселка Советига сайлов ўтказувчи Меҳнатобод сайлов округида 6 та номзод кўрсатилди. Номзодларнинг фаолияти агитаторлар томонидан тушунтирилмоқда. Агитатор Мавсума Мамажонова шу ердаги 20-ҳунар-техника билим юртида ишлаб чиқариш мастери бўлиб ишлайди. Қизларга бичиш-тикишни ўргатади. Шу билан бирга пахта пункти кўчасидаги 12 хонадонга агитаторлик қилади.

— Суҳбатларимнинг асосий мазмуни, — дейди Мавсумахон,— партиямиз XXVII съезди ва КПСС Марказий Комитети январь Пленуми тарихий қарорларини, айниқса бу қарорларда таъкидлаб ўтилган совет демократиясини тобора чуқурлаштириш моҳиятини тушунтиришга қаратилган.

Агитаторлар бу йил районда эксперимент тариқасида олиб борилаётган кўп мандатли сайлов округлари тўғрисида кўпроқ тушунтириш беришмоқда. Сайлов куни сайлов участкасига келган ҳар бир сайловчига учта бюллетень берилади: область, район ва қишлоқ Советлари депутатлигига номзодлар ёзилган бюллетенлар. Сайловчи бюллетенларни олиб, албатта овоз бериш хонасига киради, номзодлар билан танишиб чиқади, лозим топган номзодини ёқлаб бюллетенни сайлов қутисига ташлайди.

— Бу йил район Советига сайлов ўтказувчи кўп мандатли 36 та сайлов округи тузилди, — деди биз билан суҳбатда район Совети ижроия комитетининг раиси Ш. Т. Мадазимов. — Бу округлардан 132 мандат учун 169 номзод кўрсатилди, қишлоқ ва поселка Советларига эса 136 та кўп мандатли округлар тузилиб, бу округларда 710 мандат учун 888 нафар депутатликка номзод кўрсатилди. Чунки сайлов округларидаги 3—4—5 та мандатли округларда бир қўшимча номзод, 6—9 та мандатли округларда икки нафардан қўшимча номзод кўрсатилиши кўзда тутилган. Шунинг учун ҳам район Совети депутатлигига кўрсатилган номзодларнинг сони белгиланган мандатлар сонидан 37 нафарга, қишлоқ ва поселка Советларига эса 178 нафарга ортди. Булар мазкур маҳаллий Советларга резерв депутатлар қилиб сайланадилар.

Янгича сайлов системасининг қулайликлари ҳозирданоқ сезилиб турибди. Округлар қисқарганлиги ҳисобига қоғозбозлик, мажлисбозлик деярли тўрт баравар камайди. Сайловчиларнинг ўз номзодларидан манфаатдорлиги ортгани ҳам кўриниб турибди. Ўз навбатида номзодлар ҳам ўз сайловчилари олдида масъулиятлари янада ортганини ҳис қилмоқдалар.

КЎП МАНДАТЛИ САЙЛОВ ОКРУГЛАРИДА

А. ҚУРОНБОЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири,
М. РАҲИМОВ,
жамоатчи мухбир.

Халқаро касаба союз семинари

Осиё мамлакатларида касаба союз кадрларини тайёрлаш масалаларига бағишланган халқаро регионал семинар 8 июнь куни Тошкентда ўз ишини бошлади. Семинар Жаҳон касаба союзлари федерацияси ва ВЦСПСнинг ташаббуси билан ўтказилмоқда. Афғонистон, Ҳиндистон, Япония, Осиё қитъасидаги бошқа мамлакатлар касаба союз марказларининг вакиллари семинарда иштирок этмоқдалар.

Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг раиси Ҳ. Алимова семинарни кириш нутқи сўзлаб очди.

Жаҳон касаба союзлари федерациясининг секретари Ян Немоудрий «XI жаҳон касаба союзлари конгресси ва меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида касаба союзлари фаолиятини кучайтиришда касаба союз тайёргарлигининг роли» мавзуида доклад қилди.

Семинар қатнашчилари касаба союз кадрларини тайёрлашни яхшилаш билан боғлиқ масалаларни уч кун мобайнида муҳокама қиладилар, меҳнаткашларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги вазифаларни белгилаб оладилар. Улар Ўзбекистонда касаба союз ишининг ташкил этилиши билан танишадилар, меҳнат коллективлари билан учрашадилар, республика пойтахтининг янги қурилиш районларини, диққатга сазовор жойларини бориб кўрадилар.

(ЎзТАГ).

СИЁСИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМ СИСТЕМАСИДА ЎҚУВ ЙИЛИ ЯКУНЛАНМОҚДА

МУҲИМ БЎҒИН

Сиёсий ва иқтисодий ўқув идеология ишининг муҳим бўғинидир. Биз бу борадаги фаолиятимизни қайта қуриш йўлида актив иш олиб боряпмиз. Марксча-ленинча таълим системасининг мазмуни, аниқ мақсадга қаратилганлиги, ҳужумкорлиги ва умуман, ҳаёт билан чамбарчас боғлиқ ҳолда олиб борилаётгани ўз самарасини бераётир. Бошқача қилиб айтганда, сиёсий ва иқтисодий ўқув одамлар маънавий турмушининг ажралмас қисмига айланиб бораётгани ютуқлар омили бўляпти.

Буни шу йилнинг тўрт ойлик якунлари мисолида яққол кўриш мумкин. Жумладан, шаҳар бўйича халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш плани 102,5 процентга бажарилди. Юқори категорияли маҳсулот ишлаб чиқариш юзасидан белгиланган топшириқ эса 110,2 процентга уддаланди. Бу — ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 54 миллион 648 минг сўмлик кўпдир.

Бу муваффақиятга айниқса, В. И. Ленин номли Олмалиқ кон-металлургия комбинати, КПСС XXVI съезди номли химия ҳамда уйрўзғор химияси заводлари ва 354-механизациялашган кўчма колонна коллективлари салмоқли ҳисса қўшдилар. Ушбу ташкилот ва корхоналар фаолиятига чуқурроқ назар ташланса, бу ерда идеология иши яхши йўлга қўйилганлиги маълум бўлади.

Масалан, кон-металлургия комбинатида ҳозир 37 та сиёсий ва 343 та иқтисодий ўқув мактаблари ишлаб турибди. Бу мактабларда ўн мингдан зиёд ишчи ва мутахассис ўз билимларини ошираяпти. Комбинатда ташкил этилган оммавий-сиёсий марказ барчанинг севимли масканига айланди. Т. Гапанов, Э. Бажмин, С. Федин каби пропагандистларни нафақат комбинатда, балки бутун шаҳарда яхши билишади. Шу ўринда Т. Гапановнинг ўтган йили барча шаҳар пропагандистлари иштирокида очиқ дарс ўтказгани ва ҳозир жойларда бу тажриба кенг оммалашаётганини айтиб ўтишнинг ўзи кифоя.

Яқин йилларгачa гилам фабрикасида давлат плантопшириқлари барбод бериб келинарди. Бунга асосан, қўйилган вазифани идеологик жиҳатдан таъминланмагани, ташкилий ва тарбиявий ишларга эътиборсизлик билан қаралаётгани сабаб бўлганди.

Шаҳар партия комитети пленумида корхона партия ташкилоти фаолиятидаги бу нуқсонлар кескин танқид қилинди. Партия ташкилотига аҳволни яхшилаш борасида яқиндан ёрдам кўрсатилди. Амалий иш идеология соҳасини яхшилашдан, ишчилар онгини, психологияси ва тафаккурини қайта қуришдан бошланди. Натижа ёмон бўлгани йўқ. Сиёсий ва иқтисодий ўқув жонланиши билан ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ҳам ўсиб борди. Шу йилнинг беш ойлик план-топшириқлари ошириб бажарилди.

КПСС Марказий Комитетининг «Меҳнаткашларнинг сиёсий ва иқтисодий ўқув системасини қайта қуришнинг Асосий йўналишлари» лойиҳаси кўрсатмаларига амал қилиб, пропагандист кадрларнинг ғоявий-сиёсий ва маънавий чиниқишига алоҳида эътибор берилмоқда. Бу ишга обрўли кишиларни, партия, совет активларини жалб этиб, уруш ва меҳнат ветеранларининг тажрибалари ҳамда билимларидан кенг фойдаланилмоқда.

Айни вақтда шаҳардаги ишлаб чиқариш корхоналари ташкилотларида сиёсий ўқув системасида 98 та, иқтисодий ўқув системасида эса 650 дан ортиқ мактаб ва семинарлар ишлаб турибди. Шаҳар партия комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм университети эса пропагандист кадрлар тайёрлаш марказига айланган.

Лекин бу — ҳамма иш жойида деган гап эмас. Ҳали олдимизда амалга ошириладиган ишлар кўп. Айрим корхона ва ташкилотлар раҳбарлари ҳамон идеология ишига панжа орасидан қараб келмоқдалар. Масалан, гўшт комбинатида мана шундай ҳол рўй берди. Бу ерда партия ташкилоти сиёсий ва иқтисодий ўқувни талаб даражасига кўтариш учун ҳаракат қилиши. Аммо маъмуриятнинг бўшашувчанлиги, лоқайдлиги туфайли бу соҳада кутилган натижага эришилмаётир. Бош инженер Ш. Йўлдошев ёш, талабчан раҳбар бўлишига қарамай, пропагандистлик бурчига масъулиятсиз муносабатда бўляпти. Турли сабаблар билан машғулотларда қатнашмаяпти.

Яқинда идеология ишлари, сиёсий ва иқтисодий ўқув системаси қандай ташкил этилганлиги юзасидан 14-автобазадаги аҳвол шаҳар партия комитети бюросида муҳокама қилинди. Унда автобаза директори, иқтисодий ўқув методика Советининг раиси Т. Комилов сиёсий ва иқтисодий ўқув системасини ташкил этиш борасида ҳисоб берди. Бюро мажлисида коллективда иқтисодий ўқувга етарли эътибор берилмаётгани ва бу соҳадаги камчиликлар қаттиқ кўрсатиб ўтилди.

Ҳақиқатан ҳам, автобазада идеология ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Сиёсий ва иқтисодий ўқув системасига коллективнинг атиги 30 проценти жалб этилганлигини қандай изоҳлаш мумкин? Шу йилнинг тўрт ойи давомида тўрт кишининг ҳушёрхонага тушгани ҳам коллективда сиёсий-тарбиявий ишлар ачинарли аҳволда эканлигидан далолат бериб турибди.

Бундай камчиликларни 4-автомобиль ремонти заводи, қандолатчилик фабрикаси, Олмалиқ қурилиш материаллари ишлаб чиқариш бирлашмаси, мебель комбинати, уйсозлик комбинати ва 45-автобус-таксомотор парки ва бошқа бир қатор ташкилот ҳамда корхоналарда ҳам кўриш мумкин. Бу жойларда идеология ишига иккинчи даражали иш сифатида муносабатда бўлиш пировард натижада план-топшириқларнинг бажарилмай қолишига ёки кўп ҳолларда зўрга, учма-уч уддаланишига сабаб бўлмоқда.

Ҳозир шаҳар партия комитетининг бутун диққат-эътибори сиёсий ва иқтисодий ўқув системасини жонлантиришга, бу борадаги камчилик ва нуқсонларни зудлик билан бартараф этишга қаратилган. Ана шу мақсадда жойлардаги аҳвол ҳамда мавжуд резерв ва имкониятлар пухта ўрганиляпти. Сиёсий ва иқтисодий ўқув самарадорлиги ва сифатини ошириш бошланғич партия ташкилотлари ишининг асосий бўғини бўлишига эришяпмиз.

Партиянинг масъулиятли топшириғини бажараётган пропагандистларнинг обрў-эътибори оширилмоқда. Уларнинг ижодий ишлашлари учун барча шарт-шароитлар яратиб бериляпти. Илғор пропагандистларни моддий ва маънавий рағбатлантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Бу борада амалга оширилаётган барча чора-тадбирлар изланишлар албатта умум ишига ижобий таъсир этади. Шаҳар корхона ва ташкилотлари коллективлари ўз зиммасига олган йиллик план-топшириқлари ва социалистик мажбуриятлари муваффақиятли бажарилишини таъминлайди.

А. АБДУВОСИҚОВ,
Олмалиқ шаҳар партия комитети биринчи секретари.

ҲАҚҚОНИЙ СЎЗ ТАЪСИРИ

Коллективда меҳнатга ижодий ёндошиш муҳитини яратиш, фан-техника ютуқларини ишлаб чиқаришга актив жорий этишда пропагандистларнинг ўзига хос ўрни ва роли бор. Мамлакатимизда юз бераётган ҳар бир янгиликни зудлик билан оммага етказадиган ҳам, меҳнаткашларни қўйилган вазифаларни ҳал этишга сафарбар қилишда энг актив иштирок этадиган ҳам шулар. Айниқса, қайта қуриш жараёни бораётган ҳозирги даврда пропагандистлар зиммасига катта масъулият юкланган, Шу сабабли машғулотларнинг таъсирчанлиги ва самарадорлигига эришиш учун энг аввало улар фаолиятини қайта қуриб олиш лозим.

Ўтган ўқув йилида иқтисодий таълим мактаблари машғулотларида хўжалик ҳисоби ва коллектив пудрати курси ўрганилгани совхозимиз фаолиятини тубдан қайта қуришда катта ёрдам берди. Иқтисодий таълим жараёнида ўрта ва қуйи бўғин кадрлари хўжаликни юритишнинг иқтисодий, самарали усулларини, меҳнатга ҳақ тўлаш, шунингдек ажратилган маблағларни харажат қилишнинг энг қулай ва афзал усулларини пухта ўргандилар. Пропагандист ва бош мутахассислар қўшни Кичанов номли совхозда бир неча марта бўлиб, хўжаликни юритишнинг самарали формаси — пудратнинг амалда қўлланилиши, чек системасига ўтиш йўллари билан танишдилар. Иқтисодий ўқув машғулотларида бу илғор тажрибани ўз хўжалигимизда қўллаш йўллари чуқур ўрганилди. Тингловчилар ҳам ўз навбатида фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашдилар.

Механизаторлар техника ремонтини шахсан ўзлари бажариш истагини билдирдилар. Механизатор Х. Нўъмонов ва И. Қурбоновлар бунинг сабабини қуйидагича изоҳлаб беришди: ҳар йили қишда техника марказий ремонт устахонасида созланади. Лекин сифат унчалик яхши бўлмайди. Натижада баҳорда далага олиб чиқилган техника иш бошлаб улгурмай бузилиб қолади. Механизаторлар бутун айбни слесарларга тўнкашади, улар эса ўз навбатида техникани сифат комиссияси қабул қилиб олганлигини баҳона қилишади. Бу масаланинг бир томони. Қолаверса хўжалик катта миқдорда иқтисодий зарар кўради. Сифатсиз созланган техника бевосита далада қайта ремонт қилингани сабабли кўпгина харажат ва энг долзарб пайтда қиммати вақт бой берилади.

Механизаторларнинг бу таклифи бир овоздан маъқулланди. Шу йилнинг февраль ойида ўн кун мобайнида ўтказилган иқтисодий ўқув даврида бунинг самараси қандай бўлаётганлиги ҳар томонлама таҳлил қилиб чиқилди. Хўжалик бўйича 1986 йилда олинган 2 миллион 283 минг сўм даромаднинг анча қисми ремонт ишларини янгича ташкил этиш, ёнилги ва мойлаш материалларини тежаб-тергаб ишлатиш эвазига олинганлиги таъкидланди. Шу ўринда савол туғилиши мумкин: хўш, энди хўжаликда марказий ремонт устахонаси ходимлари қандай иш билан шуғулланишяпти? Гап шундаки, дирекция слесарларнинг сонини кескин қисқартирди. Улар ҳозир буюртма асосида деталлар тайёрлашади ёки шартнома асосида айрим ремонт ишларини бажаришади.

Юқорида таъкидланганидек бу йил иқтисодий таълим янги усулда олиб борилди. Ҳар бир меҳнатчи машғулотларда совхозимизнинг келгуси фаолияти қандай бўлишини, ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш учун нималар қилиш лозимлигини ўргандилар. Ҳозир совхоздаги бўлимлар сони анча қисқариб 7 тадан 3 тага, бригадалар эса 50 тадан 18 тага камайди. Оилавий пудрат бригадалари ва звенолари тузилди. Экин майдонлари ишчилар сонини ҳисобга олган ҳолда ана шундай бригадалар ўртасида тақсимланди. А. Синдоров, С. Соқиев, А. Ўроқовларнинг оила аъзолари 25 гектардан майдондаги ғўзаларни парвариш қилмоқдалар. Чек системаси қўлланилаётганлиги сабабли барча сарф-харажатларни бригада аъзолари ўзаро маслаҳатлашиб олиб борадилар.

Машғулотлар давомида тингловчилар алмашлаб экиш хусусида ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдирмоқдалар. Баъзи бригада бошлиқлари ўтган йили гектаридан 32—35 центнердан пахта ҳосили олинган майдонларда бу йил беда ва макка экилишига қарши бўлдилар. Аммо пропагандист О. Исаев машғулотларда алмашлаб экишнинг келгуси ҳосил учун нечоғли аҳамиятга эга эканлигини кўргазмали воситалар, диаграммалар асосида тушунтириб берганидан кейин эътирозларга ўрин қолмади. Ҳозир совхоздаги мавжуд 7 та масивнинг 6 тасида тўла алмашлаб экиш йўлга қўйилди. Сабзавот ва полиз маҳсулотлари экиш учун алоҳида майдон ажратилди.

Совхозимиз меҳнаткашлари 2758 гектар майдондаги ғўзани сифатли парвариш қилмоқдалар. 300 гектар бедазорга иккинчи ўроқ тушди. 600 гектардан зиёд ғаллазорда мўл ҳосил етиштирилмоқда. Ўтган йили давлатга сабзавот ва гўшт топшириш планларигина бажарилмай қолганди. Бу йил худди шу участкаларга алоҳида эътиборни қаратяпмиз. Кишиларни сафарбар этишда Ҳ. Жидилов, М. Тўраев, Ў. Маъмуров каби пропагандистларимиз бош-қош бўлишяпти. Уларнинг оила аъзолари ҳам 3—5 гектар майдондаги экин парваришини ўз зиммаларига олишган. Бошқача айтганда, пропагандистларимиз илҳомбахш сўзлари[4] ва амалий ишлари билан хўжалик ҳаётига, фаолиятига ўзгача руҳ, шижоат бағишламоқдалар.

М. МАМИРОВ,
Пахтакор районидаги «Пахтакор» совхозининг директори.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

ОХУНБОБОЕВ РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИ:

— Оқтепа қишлоғида яшовчи Р. Камолованинг шикоят хати ўрганиб чиқилди. Текширишда унда келтирилган фактлар қисман тасдиқланди. Гражданларни қабул қилиш. да камчиликларга йўл қўйганлиги учун участка инспектори, милиция катта лейтенанти В. Тўланов огоҳлантирилди. Йўлдошобод қишлоқ Совети ижроия комитети раиси К. Умматқуловага ёш оилалар билан тарбиявий ишлар олиб бо. ришдаги камчиликлар кўрсатиб ўтилди.

Р. Камолова Тинчлик посёлкаси фельдшерлик-акушерлик амбулаториясига ишга жойлаштирилди.

Район партия комитети бундан буён ёш оилалар билан олиб бориладиган тарбиявий ишларни янада кучайтиради, гражданларни қабул қилиш. ни яхшилаш чора-тадбирларини кўради.

ШАҲРИСАБЗ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ:

— Шаҳардаги 35-билим юрти ўқувчиларининг хати юзасидан текширир ўтказилди. Ўқувчиларга стипендия бериш, ошхонада овқат сифатини яхшилаш тадбирлари ишлаб чиқилди. Ўқув машғулотларининг мунтазам ўтишини таъминламаганликлари учун бош мастер Мўминов ва мастер Ражабовлар қаттиқ огоҳлантирилдилар.

Текшириш якунлари билим юрти педагогика коллективи ўртасида муҳокама этилди, камчиликларни бартараф этиш юзасидан чоралар кў рилди.

ВОРОШИЛОВ РАЙОН ИЧКИ ИШЛАР БЎЛИМИ:

— Ҳ. Мадгазневнинг арзаси текширилди. Унда кўрсатилган айрим фактлар тасдиқланди. Ҳақиқатан ҳам Свердлов номли колхознинг чўчқачилик фермаси мудири совуққонлиги билан 25 бош чўчқа касалланиб, боқишга ярамай қолган. Улар арзон нархда сотилиб, пули колхоз кассасига кирим қилинган. Шунга қарамай хўжаликка зарар етказилган.

Камчиликларга йўл қўйганлиги ва ишга совуққонлик билан қараганлиги учун Свердлов номли колхоз бош зоотехниги А. Раҳматовдан келтирилган зарарни қоплаш мақсадида 180 сўм ундирилди. У лавозимидан бўшатилди.

• *Ташвишли сигнал*

ҚУРУҚ ГАП ДАРСЛАРИ

Бўстонлиқ районининг Сижжак қишлоғидаги 43-мактаб битирувчилари эсдалик учун ўз мактаблари олдида суратга тушишдан бош тортдилар. Ўз мактабларини назар-писанд этмасликдан эмас, балки тиргаклар қўйилиб зўрга турган омонат иморат ёнида тушган суратни бирон кишига кўрсатишдан орланганларидан шундай қилдилар. Бундай иморат суратини «Муштум»дан бўлак жойда чиқариб бўлмас. Болалар поллари чириб кетган, томидан чакка ўтадиган пахса девор уйда кўп йиллар ўқитилиб келинди. Шу вақт мобайнида мактаб жойлашган «Чорвоқ» совхозининг директори Э. Тўйчиев, бўлим раҳбарлари мактабнинг аҳволи билан бирон марта ҳам қизиқмадилар, уни ремонт қилиш учун на маблағ, на бинокорлик материаллари ажратдилар. Аммо қишлоқ хўжалик ишларига бўлса, ўқувчиларни муттасил чиқариб туришни унутмадилар.

Бу ерда 800 нафардан ошадиган ўқувчи ва олтмиш ўқитувчи ана шу хароба иморатда қандай шуғулланишади.

— Нима қилишни ҳам билмайман, дейди алам билан мактаб директори Ю. Бўриев. — Куз ёғингарчилиги бошланиши билан яна чакка ўта бошлайди. Мактаб биносини ўқувчилару, уларнинг ота-оналари кучи билан тузатиб бўлмайди. Тузукроқ ёрдам керак, йўқса бир кунмас бир кун мактаб биноси босиб қолиши мумкин.

Ўзбекистон ўқитувчиларининг яқинда бўлиб ўтган съездида СССР маориф министрининг биринчи ўринбосари А. А. Коробейников бу мактабда вужудга келган фавқулодда вазият ва шошилинч чоралар кўриш заруррлиги тўғрисида гапирди. Лекин наҳотки шундай ярамас аҳволга эътиборни жалб қилиш учун Москвадан раҳбар келиши керак бўлса? Бини Тошкент область халқ маорифи бўлими билмасмиди? Ҳозирча Сижжакдаги мактабда ўқийдиган болаларга ачиниш, бу ерда ўзгаришлар бўлишидан умид кутиш мумкин. Лекин шундай авария ҳолатида бўлган яна олти юзта мактабнинг аҳволини биргина ачиниш билан ўзгартириб бўладими? Республикадаги мактабларнинг ярми мослаштирилган биноларга жойлашганлиги ҳам кишини ранжитади.

Ўзбекистонда мактаблар ўқув-моддий базасини мустаҳкамлаш планлари муттасил бажарилмай келмоқда. Афтидан, жойлардаги партия ва совет органлари, бир қанча колхозлар, совхозлар, корхоналарнинг раҳбарлари бунга мажбурий бўлмаган, аллақандай иккинчи даражали масала, деб қарасалар керак? Йўқса, Қорақалпоғистондаги «Қирққиз» совхозида қурилаётган мактаб битгунча янги қурилиш остонасидан хатламаган болаларнинг бутун авлоди улғайганига нимани сабаб қилиб келтириш мумкин. Андижон областидаги «Ойим» совхозида мактаб ана битади мана битади билан мана 9-йил ўтиб кетди. Таассуфки, бунақанги мисоллар оз эмас.

Ўзбекистон ССР Маориф министрлигида мактаб ўқувчилари ишлаб чиқариш таълими шароитларини яратиш учун жавобгар министрликлар ва идораларнинг узундан-узоқ рўйхати бор. Лекин мактаб ислоҳотини тезлаштиришга қуруқ ваъдаларгина билан эмас. балки иш билан ҳақиқий ёрдам беришни истайдиганларнинг жуда озлиги, афсусланарлидир. Ахир Бинокорлик материаллари саноати министрлиги, Энергетика ва электрлаштириш министрлиги, Уйжой ва коммунал хўжалик министрлиги, Ўрмон хўжалиги министрлиги, Сув хўжалиги қурилиши давлат комитети, «Союзузбекгазпром» на биронта ўқув цехи, на устахона қуриб берган. Оталиққа олган идора ва корхоналар мактабнинг юмушларига кўмаклашмасалар ислоҳот тайсаллайверади. Масъул лавозимларни эгаллаб турган баъзи катталар бераётган ваъдалар, қуруқ гап дарслари ёш қалблар учун кундалик дафтардаги «икки»дан анча хавфлироқдир.

Э. ТУХВАТУЛЛИНА,
ЎзТАГ мухбири.

ХЎЖАСИЗЛИК — ҚАЙТА ҚУРИШ ДУШМАНИ

Занглаган ускуналар

Кейинги йилларда корхоналарни реконструкция қилиш, эскириб қолган механизм ва асбоб-ускуналарни янгилаш кенг кўламда қизиқтириб юборилди. Шу муносабат билан кўплаб янги машина-ускуналар олинди.

Хўш, олинган замонавий, қимматли машина ва ускуналарнинг ҳаммаси вақтида ўрнатиляптими?

Афсуски, йўқ! Катта-катта пуллар эвазига келтирилган техника воситаларининг кўпи корхоналар ҳовлиларида, нобон жойларда узоқ вақт туриб қолмоқда. Бир қисми эса ҳатто унутилиб, ярақсиз ҳолга келаётгани ғоят ачинарлидир.

Биргина Денов шаҳрида 401 та асбоб-ускуна ўрнатилмай турибди. Бу техника воситалари сут-ёғ, вино-арақ, ёғ-экстракция заводлари, пахта фабрикаси, 14-бирлашган қурилиш дирекцияси ва бошқа корхона ҳамда ташкилотларга тегишлидир.

Корхоналарда ҳали жойини топмаган, бекор ётган қимматли механизм ва ускуналар ҳатто бир неча юз минг сўмликни ташкил этади. Масалан, вино-арақ заводида 614045 сўмлик, 14-бирлашган дирекцияда 189065 сўмлик, ёғ-экстракция заводида 70114 сўмлик машина-ускуналар очиқ ҳавода занглаб ётганига нима дейиш мумкин?! Афсуски, бундай аянчли фактлар шаҳарда оз эмас.

Корхона ва ташкилотларда шунга ўхшаш бошқа аянчли ҳолларни ҳам кўриш мумкин. Кўпгина завод, бирлашма, фабрика, қурилиш ва транспорт ташкилотларида талайгина ортиқча, кераксиз, истеъмолдан чиқарилган — жами 234378 сўмлик машина ва ускуналар тўпланиб қолган. Ана шу рақамларга энг «салмоқли» ҳисса қўшган корхона ва ташкилотлар орасида яна ёғ-экстракция, вино-арақ, ремонт-механика заводлари, пахта фабрикаси, автобус-таксомотор парки ва бошқа корхоналар бор.

Бу фактлар Денов шаҳри корхоналари ва ташкилотлари раҳбарлари ҳамда мутахассислари ишни қайта қуриш талаблари даражасида ташкил эта олмаётганликларини, машина-ускуналарни янгилаш орқали ишлаб чиқаришни жадаллаштириш, қайта қуриш вазифаларини адо этишда сусткашлик ва ҳатто нўноқлик қилаётганликларини кўрсатиб турибди.

Сурхондарё область, Денов шаҳар ва район партия, совет ва ташкилотларининг раҳбарлари бундай аҳволга тоқат қилиб келаётганликлари кечириб бўлмайдиган ҳолдир. Хўжасизликка чек қўйиш керак.

Х. ТОШЕВ.

ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ

Никарагуа кофе плантацияларида ҳозир янги ҳосилни йиғиб олиш учун қизғин қураш бормоқда. Маҳаллий аҳоли ва Сандино халқ армияси жангчилари билан бир қаторда бу ишда бошқа мамлакатлардан келган минглаб кўнгиллилар ҳам қатнашмоқдалар. Уларнинг сафида Совет Иттифоқи, Болгария, ГДР ва бошқа социалистик мамлакатлардан келганлар бор. Улар Сандино номли бригада составида ишлашмоқда. СУРАТДА: бригада аъзолари Матагальпа шаҳарчасининг кўчаларида. Бу шаҳарча улар меҳнат қилаётган плантация яқинида жойлашган.

БТА — ТАСС фотоси.

БИРОДАРЛАРНИНГ УЧРАШУВИ

Андижон области билан Болгария Халқ Республикаси Ямбол округининг меҳнаткашлари кўп йиллардан бери дўст тутиниб келадилар. Улар ўртасида иқтисодий ва маданий алоқалар муттасил ривожланиб бормоқда, ўзаро делегациялар юборишмоқда. Меҳнат коллективларининг вакиллари бир-бирларининг тажрибаларини ўрганмоқдалар.

Яқинда андижонликлар Болгария Компартияси Ямбол округ комитетининг биринчи секретари Иван Овчаров бошчилигида қардош республикадан келган делегацияни энг азиз меҳмонлар сифатида кутиб олдилар. Меҳмонлар саноат ва қишлоқ хўжалик корхоналарида бўлдилар, Андижон районидаги «Ямбол» савдо комплексини ва «Ямбол» совхозини бориб кўрдилар. Область меҳнаткашлари билан учрашувлар, суҳбатлар чоғида ҳар томонлама алоқаларни янада мустаҳкамлаш, Улуғ Октябрнинг 70 йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ҳамда ер юзида тинчлик учун курашда куч-ғайратларни бирлаштириш тўғрисида қизиқарли гаплар бўлди. Андижон трикотаж бирлашмасида Совет—Болгария дўстлигига бағишланган кўп кишилик митинг бўлиб ўтди.

Андижонликларнинг меҳмони бўлган биродарлашган округ ижодкор ходимларининг делегацияси ҳам мезбонларнинг ҳаёти, турмуши, меҳнати билан қизиқиб танишди. Ёзувчилар, журналистлар область шаҳарлари ва қишлоқлари бўйлаб сафар қилдилар, ишлаб чиқариш коллективларида, ўқув юртларида, маданият муассасаларида бўлиб, андижонликлар Улуғ Октябрь юбилейини қандай муваффақиятлар билан кутиб олишга ҳозирлик кўраётганликлари билан танишдилар. Улар йиққан материаллар, фотоинформация Болгарияда кенг кўламда нишонланадиган шу шонли санага тайёрланаётган виставкалар, буклетлар, фотоальбомларнинг негизи бўлиб қолади. (ЎзТАГ мухбири).

ЎТ БИЛАН ЎЙНАШМОҚДАЛАР

Қўшма Штатлар Форс кўрфази районида ўт билан хатарли равишда ўйнаша бошлади. Ироқ билан Эрон ўртасидаги тўхтовсиз давом этаётган биродаркушлик уруши оқибатида бу региондаги аҳвол аллақачон кескинлашган эди. Энди у Қўшма Штатларнинг ўз қуролли кучларини кўпайтириши натижасида таҳдид ҳам хатарли тус олди. Президент Рейган Қувайт танкерларини ҳимоя қилиш баҳонаси билан 1 июнь куни Форс кўрфазида жойлашган Американинг зарбдор ҳарбий-денгиз кемалари ёнига яна 3 та кема қўшилишини, осмон ҳужумидан мудофаа қилувчи энг янги «Ижис» системаси билан таъминланган ядро крейсери ҳам шу жумлага кириши эълон қилди.

Шу билан айни бир вақтда Қўшма Штатларнинг ҳарбий ҳаво-кучларини кўпайтириш режалари ишлаб чиқилмоқда. Оқ уй ҳозирнинг ўзидаёқ Форс кўрфази районидаги бир қанча давлатларга тазйиқ кампаниясини кучайтириб, улардан Американинг жанговар ва разведка самолётларини қўндириш учун шу ердаги аэродромлардан фойдаланишга розилик олишга интилмоқда. Ахборот агентликларининг хабар қилишича, шу масалалар юзасидан яқин кунларда Бахрайн, Саудия Арабистони ва Қувайт билан музокаралар бошланади.

Сўзда Вашингтон халқаро кема қатновининг хавфсизлиги ва Форс кўрфазидаги уруш ҳаракатлари тўхтатилиши тарафдори эканини билдирмоқда. Аслида эса, у ердаги ҳарбий қудратнинг кўпайтирилиши ва ўз қучлари билан ўйнашишни иғвогарларча давом эттириши региондаги ғескин Эрон — Ироқ қуролли можаросининг миқёслари кенгайишига олиб боради, чунки айни Қўшма Штатларнинг кўрфаз мамлакатлари ишларига аралашуви, жумладан, Америка қуролининг Эронга пинҳона етказиб берилиши ҳозирнинг ўзидаёқ жанговар ҳаракатлар қучайишига олиб келди ва Ироқ билан Эрон ўртасидаги муаммоларни музокаралар орқали бартараф этиш йўлидаги ҳаракатларни барбод этди.

Вашингтонлик янги чиққан жаҳонгирларнинг олисни кўзловчи режалари советларга қарши уйдирмалар билан ниқобланмоқда. Рейган бирон бир далил-исбот келтиришни лозим топмай, гўё Совет Иттифоқи Форс кўрфази устидан назорат ўрнатиш мақсадини кўзламоқда, деб даъво қилди. Холбуки, региондаги вазиятни барқарорлаштириш, Эрон — Ироқ можаросини тўхтатиш ва муаммони ғеҳсий воситалар билан ҳал этиш йўлларини қидириш тўғрисидаги аниқ-равшан ташаббуслани Қўшма Штатлар эмас, балки айни Совет Иттифоқи кўтариб чиқди-ку, ахир!

Араблар дунёсида АҚШнинг хатти-ҳаракатлари Рейганнинг янги жаҳонгирлик доктринаси намоён бўлишининг яққол мисоли деб, халқаро тинчлик ва хавфсизликка жиддий таҳлика деб баҳоланди. Вашингтон маъмуриятининг Қувайт танкерларини ҳимоя қилиш баҳонаси билан ҳарбий экспансионизм йўлидан бораётганлиги ва Эрон билан ҳарбий можарога Қўшма Штатларнинг аралашиши хавфи араб мамлакатларидагина эмас, Америка конгрессида ҳам хавотирлик туғдирмоқда. Вашингтоннинг ўт билан хатарли ўйнашувини АҚШнинг кўпгина иттифоқчилари ҳам маъқуллама яптилар.

Геннадий ШИШКИН.

АНГЛИЯ ЧИЛИНИ ҚУРОЛЛАНТИРМОҚДА

БУЭНОС-АЙРЕС. ТАСС мухбири Юрий Рублевский хабар қилади: Англия Чилини Мальвин (Фолкленд) ороллари билан бир қаторда НАТОнинг Жанубий Америкадаги таянч пунктига айлантиришга интилиб, Пиночетнинг диктаторлик режимини қуроллантирмоқда.

Консерваторлар ҳукумати Чили қуролли кучларига замонавий ҳарбий техникани сахийлик билан етказиб бермоқда. Чили газеталарининг хабар қилишларича, диктаторнинг ҳарбий денгиз флоти сўнгги йилларнинг ўзидагина Англиядан ракеталар билан қуролланган «Норфолк» эсминеци, «Тайдпул» ҳарбий танкерни ва бошқа бир қанча кемаларни олди. Диктатурانинг ҳарбий ҳаво кучлари Англиядан 40 та «Хаукер-хантер» қирувчи самолётларини сотиб олди. Ҳозир иккала мамлакат ҳарбий маҳкамалари ўртасида Чили ҳарбий денгиз кучларига «Файф» эсминецини топшириш тўғрисида музокара олиб борилмоқда.

1982 йилда Мальвин (Фолкленд) ороллари туфайли Англия билан Аргентина ўртасида қуролли можаро чиққанидан кейин Англия билан Пиночет режими ўртасидаги ҳарбий ҳамкорлик, айниқса, авж олиб кетди. Маълумки, ўшанда Пиночет Лондон Жанубий Атлантикада жанговар ҳаракатларни олиб бориш учун юборган экспедицион корпусга зарур ёрдам бериб, қўллаб-қувватлаган эди. Бунинг учун миннатдорчилик белгиси сифатида 1983 йил сентябрида ёқ Англиянинг «Ферранти» компанияси Чилига ҳарбий электрон аппаратлар ишлаб чиқариш учун технология ва машина-ускуналар етказиб бериш юзасидан Чилининг «Асмар» фирмаси билан битим тузди. Аргентина матбуотида кўп марта хабар қилинганидек, Чилининг Аргентина чегараси бўйлаб жойлаштирилган ҳарбий қисмлари ана шундай аппаратлар билан, Англияда сотиб олинган жанговар техника билан жиҳозланмоқда.

Ҳозирги вақтда Мальвин (Фолкленд) ороллари районида соқчилик қилаётган — Англия ҳарбий кемалари Чили портларида ёнилғи билан таъминланмоқда ва озиқ-овқат ғамлаб олмоқда. Бундан ташқари, Чилининг энг жанубида жойлашган Пунта-Аренас портидан Англия солдат ва офицерларининг дам олишлари учун база сифатида фойдаланилмоқда.

ОКТЯБРЬ — БИЗНИНГ ТАҚДИРИМИЗДА

ОКТЯБРЬ 70

ҚАРДОШЛИК АДРЕСЛАРИ БЎЙЛАБ:

МОЛДАВИЯ ССР

ДАВР БИЗГА ТАЛАБ ҚЎЙМОҚДА

И. МОРАРЬ,
Молдавия ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари, Кишинев трактор заводи қуюв цехининг бригадири

Турли даврларда Молдавия ерларидан мураккаб тарихий воқеалар йўли ўтган. Унинг водийлари ва адирларида кўплаб халқларнинг тақдирлари туташиб кетган. Асрлар оша етиб келган дойналар — халқ қўшиқлари шу ҳақда бизга ҳаяжон билан ҳаққоний ҳикоя қилади. Ўша давр солномачилари неча ўн йилликлар давомида жонажон ўлкамиз шу қадар ўзгариб кетишини тасаввур ҳам қила олмас эдилар.

Улуғ Октябрь Россия империясининг собиқ чекка ўлкасида ҳаётни тиклади. Ҳозир республика жўшқин ривожланаётган кўп тармоқли саноатга, интенсив қурилишга эга. Унинг унумдор боғлари ва сахий далалари мўл ҳосил бермоқда, олимлар ҳозирги замон фани ва техникасининг энг актуал соҳаларида тадқиқотлар олиб бормоқдалар.

Мен 30 йилдан буён Кишинев тракторсозлик заводида ишлайман. Менинг кўз ўнгимда ярим кустар устахоналар қудратли замонавий ишлаб чиқаришга айланди, эндиликда у тармоқдаги энг илғор корхоналардан биридир. Заводни қуришга бутун мамлакат ёрдам берди. Реконструкция лойиҳасини Украина инженерлари ишлаб чиқдилар, машина-ускуналарни ҳамма иттифоқдош республикалардан 267 корхона етказиб берди. Бу халқларимиз ўртасидаги ишчиларга хос мустаҳкам дўстликка мисол бўла оладиган фактларнинг биргинаси. Ҳозир ҳамма томондан Молдавияга техника, металл, кўмир, нефть, материаллар, саноат буюмлари ортилган эшелонлар келмоқда. Бизнинг республикамиз ҳам қарздор бўлиб қолаётгани йўқ. У мамлакатнинг турли гўшаларига боғ ва токзорларнинг сахий инъомларигина юбориб қолмаяпти, Болтиқ бўйидан тортиб Узоқ Шарқ далаларигача ҳамма жойда бизнинг заводимизда яратилган машиналар ишлаётганини кўриш мумкин. Мамлакат деҳқонларига «Плодсельхозмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси цехларида йиғилган юксак унум билан ишлайдиган мева ва резавор мева терадиган комбайнлар ёрдамга келди. Совет Иттифоқидаги йирик машинасозлик корхоналарида С. М. Киров номидаги Тирасполь қуюв машиналари заводи ишлаб чиқарган нодир автомат линиялар ўрнатилган.

Биз турмушимизни ҳар томонлама яхшилашга ҳаракат қилаяпмиз. Ҳозир бутун мамлакатимизда бўлгани каби, республикамизда ҳам қайта қуриш даври, йиллар давомида тўпланиб қолган маънавий ва хўжалик пўпанакларини тозалаш давридир. Қайта қуриш осонликча бораётгани йўқ. КПСС Марказий Комитетининг кўзбўямачилик ва қўшиб ёзишларни таг-томири билан тугатиш тўғрисидаги қарори қониқарсиз бажарилаётгани ҳақида ҳужжат қабул қилинди. Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги нишонланадиган йилда ана шу салбий ҳодисалар тўғрисида гапириш айниқса қийин. Аммо гапириш керак, уларни тезроқ илдизи билан тугатиш лозим.

Яна бир жиддий муаммо тўғрисида гапирмай ўтолмайман. Молдаванлар қадимдан узум етиштирадилар. Бироқ сўнгги йилларда қуёш меваси — узумдан фойдаланишда ҳунук ўзгаришлар юз берди: қишлоқда яшовчи баъзи кишилар бойлик орттириш мақсадида узумдан тонналаб вино тайёрлардилар.

Партия ва совет органлари қишлоқда катта тушунтириш ишларини олиб бордилар. Натижада ҳозир кўпгина оилалар ўз томорқаларидаги винобоп узум ўрнига хўраки навларни ўстирмоқдалар, кўпроқ мева дарахтлари ўтказиб, сабзавот етиштирмоқдалар. Республика агросаноатида хўраки узум етиштиришни кўпайтириш йўлига ўтилди.

Ҳозир ишлар жуда кўп. Қайта қуришнинг дастлабки куртаклари реал ишларда акс этмоқда. Юзлаб меҳнат коллективларида раҳбарлар сайлови ўтказилди. Биринчи марта халқ депутатлари Флорешт район Советига битта депутатлик ўрнига бир неча номзод кўрсатилди. Уларнинг амалий ва маънавий фазилатлари коллективлар йиғилишларида қишлоқ йиғинларида кенг муҳокама қилинмоқда.

Эндиликда ишларимиз яхши кетяпти, десам гапим самимий чиқмас эди. Экономикада вужудга келган аҳволга сезгирлик билан баҳо бериб, бизда қайта қуриш ўзимиз истаганча суръатлар билан бормаётганлигини кўриб турибман. Ижтимоий ишлаб чиқариш ва халқ фаровонлиги бироз ўсганига қарамай, республика саноати асосий кўрсаткичлар бўйича шу йил 1 квартал планини бажармади. Фан-техника, ишлаб чиқариш ва интеллектуал потенциалдан ҳали ҳам бўш фойдаланилмоқда.

Аммо мен Совет Молдавияси қийинчиликларни бартараф этиб, XXVII съезд белгилаб берган марраларга чиқиб олишига ишонаман. Одамларнинг партия танлаган қайта қуриш йўли тўғрилигига чуқур ишончи, уларнинг ҳаётни янгилашга астойдил интилаётганликлари бунинг гаровидир.

(ТАСС).

● Совет Молдавияси территориясида 4 миллиондан кўпроқ киши яшайди. Аҳолининг зичлиги жиҳатидан республика мамлакатда биринчи ўринни эгаллайди. Молдавияда 21 шаҳар, шаҳар типидаги 48 та посёлка бор. Буларнинг кўпчилиги Совет ҳокимияти йилларида бунёд этилган.

● Республикада ҳозир 600 га яқин йирик саноат корхонаси бор. Уларда Молдавия ялпи ижтимоий маҳсулотининг 63 процента ишлаб чиқарилади.

● Яқин ўтмишда барча саноат товарлари, ҳатто мих ҳам четдан олиб келинган Молдавияда эндиликда машинасозлик ва приборсозлик корхоналарида тайёрланаётган 300 турдаги буюм чет элларга чиқарилмоқда. Булар орасида тракторлар, электр юклагичлар, автоприцеплар, қуюв ва темирчилик пресс ускуналари, сув тагида ишлайдиган насослар, ҳисоблаш машиналари, дефектоскоплар, кир ювиш машиналари, холодильниклар бор.

● Ҳозирги вақтда Молдавия ССРда яшовчи ҳар уч кишининг бири ўқимоқда. 9 олий мактаб ва 53 ўрта махсус билим юртида 200 дан кўпроқ ихтисослик бўйича кадрлар тайёрланмоқда. Республикада жаҳондаги 80 мамлакат вакиллари таълим олмоқдалар.

● Молдавиянинг 200 дан кўпроқ меҳнаткаши Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган юксак унвонга сазовор бўлган.

КИШИНЕВ КЎРКИ

24 қаватли бинонинг тепасига —80 метр баландликка чиқиб қарасангиз, шаҳарнинг қиёфаси худди кафтда тургандек яққол намоён бўлади. Кишинев марказини ўраб турган тепаликларда Боюкани, Ришкановка, янги Чекани, Будешти, Чевкари уй-жой массивлари қад кўтарган...

— Бундан 20 йил муқаддам —деб эслайди 30 йилдан бери қурилишларда ишлаётган бинокор П. Саранди,— ўша кезлар республикадаги дастлабки беш қаватли уйларни қураётган эдик. Бу ишда бизга Москва, Ленинград, Свердловск шаҳридан келган ҳамкасбларимиз ёрдам беришди. Бу шаҳарлардан келган инженерлар тажрибаларини баҳам кўришди, йирик панелли уйсозлик буюмларини ишлаб чиқарадиган тўнғич корхоналар қурилишида иштирок этишди. Ўша кезлар Молдавия учун беш қаватли уйларни қуриш ютуқ деб саналарди. Машҳур совет архитектори А. Шчусев асли Кишинев шаҳрида ўсиб катта бўлган. Ана шу меъмор сейсмик зонани ҳисобга олиб, шаҳарда фақат уч қаватли иморатлар қуришни назарда тутган эди.

Аммо шаҳарда кўп қаватли уйлар бирин-кетин қад кўтармоқда. Анъанага кўра оқ тош, яъни ракушечникдан объектлар қуриш билан бир қаторда зилзилабардош монолит ва йирик панелли иншоотлар ҳам бунёд этилмоқда, Бунинг шарофати билан Кишинев қиёфаси гўзаллашиб кетди. Ғоят қизиқарли архитектура планлаштириш ечимлари пайдо бўлди. Уй-жой муаммоси илгаридагига нисбатан жадалроқ ҳал этилмоқда.

Эндиликда Кишиневда уй-жой тўйлари тобора кўпайиб бормоқда.

А. ТАНАС.

Кишинев шаҳрининг Ленин проспекти.

ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ОЛДИНГИ МАРРАЛАРИ

Машинасозликдаги принцип жиҳатдан янги ротор ва роторконвейер линияларини келажак техникаси, деб аташмоқда. «Точлитмаш» ишлаб чиқариш коллективи ана шундай линияларни ишлаб чиқаришга киришди.

Бу линиялар «Карусель» принципида ишлайди —мураккаб деталлар ва узелларни тайёрлаш бетўхтов, айлана бўйлаб давом этади, бу эса меҳнат унумдорлигини ўн баравар кўпайтириш имконини беради.

—Бундай «карусель»га энг замонавий роботлар ҳам тенглаша олмайди, — деб тушунтирди бирлашма бош директори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. И. Большаков.

Роторнинг бетўхтов айланиб турган барабани «уяча»ларига бир нечта қуюв агрегатлари жойлаштирилади. Бир айланишнинг ўзида улар автоматик тарзда барча операцияларни бажарадилар. Пресслаш қолипларини тез алмаштириш машина ва механизмлар учун турли-туман деталлар ишлаб чиқариш имконини беради.

Бундай линиялар машинасозликда ҳам, бошқа тармоқларда ҳам зарур. Бундай машиналар ёрдамида озиқ-овқат, савдо, маиший хизмат корхоналаридаги кўпгина «танг» жойларни бартараф этиш мумкин. Бу машиналар йиғириши, бичиши, кийим ва пойабзал тикиши мумкин. Анатолий Иванович одамнинг қўли тегмай тайёрланган этикчалар ва жажжи туфлиларни кўрсатди.

О. ГРАБОВСКИЙ.

ҲАММАГА НАФЛИ

М. В. Фрунзе номидаги Кишинев мебель фабрикасида врачларнинг қистови билан реконструкция ишлари бошлаб юборилди. Раҳбарларга ишчиларни гигиена ва санитариянинг замонавий нормалари даражасидаги меҳнат шароитлари билан таъминлаш юкланилди.

Меҳнаткашларнинг маиший турмуши, дам олиши, медицина хизматини рационал ташкил этиш билан бир қаторда бу масала республика пойтахтининг Фрунзе районида амалга оширилаётган «Саломатлик» комплекс программасига киритилди.

— Замон бу проблемага кенг социал позицияларда туриб ёндашишни тақозо этмоқда, — дейди программанинг масъул координатори, район бош врачи Д. Норок. — Биз одам даволанганидан кейин мўриларидан тутун чиқиб турган, елвизак «ҳукмрон» бўлган, ошхонада овқатланиш яхши йўлга қўйилмаган заводга қайтиб келадиган бўлса барқарор самарага эришолмаймиз. Шунинг учун ҳам «Саломатлик» программаси, аввало касаллик келтириб чиқарувчи сабаблар йўқотилишини кўзда тутади.

«Саломатлик» программаси қандай бажарилаётганлиги халқ депутатлари Фрунзе район Советининг ижроия комитети мажлисларида ҳамда меҳнат коллективларида муттасил муҳокама қилиб борилмоқда. Соғлиқни сақлашга сарфланган ҳар бир сўм бир неча баравар қопланмоқда. Ҳар томонлама профилактика ишлари бошланган дастлабки йили одамларнинг касаллик варақаси билан ишга чиқмаслиги 30 минг кунгача камайди. Бу қўшимча равишда қарийб 2 миллион сўмлик қимматли маҳсулот тайёрлаб чиқаришга имкон берди.

В. МАЛИКОВА.

БОҒНИНГ НОЁБ БИСОТИ

— Мен Ставрополдан келган эдим. Сиздан беҳига пайванд қилинган нок қўчатларини сотиб олмоқчиман. Тажрибадан ўтказиш учун 200 та кўчат зарур бўлиб қолди.

«Нистру» совхозининг директори Георгий Петрович Агенне аризага қўл қўяр экан, сўҳбатимиз бўлиниб қолгани учун узр сўради.

— Ҳозир ишлар тиғиз, одамлар узоқ ўлкалардан кўчат олиш учун келишмоқда, — деб изоҳ беради у.

Ҳақиқатан ҳам совхоз дирекцияси бинои олдида Грузия, Шимолий Осетия, Краснодар ўлкаси, Иваноо-Франковск областидан келган машиналарга кўзим тушганди. Узоқ ўлкалардан келаётган меҳмонлар учун хўжалик атайлаб шинам меҳмонхона қурибди. Катта шаҳарда бўлганидек, бу ердан ҳам одам аримайди. Бу ерга кўчат олиш учунгина эмас, илғор тажрибани ўрганиш учун ҳам келадилар. Фақат мамлакатимиздан эмас, ГДР, Югославия, Франция ва бошқа давлатлардан ҳам одамлар келишмоқда.

Бу хўжалик ноёб, Европа қитъасидаги ягона хўжалик десак арзийди. Совхоз вируссиз кўчат етиштиришга ихтисослашиши билан бир қаторда бундай дарахтларни биринчи бўлиб очиқ ерда етиштирмоқда. Узоқ Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо мамлакатлар вирусологларининг халқаро кенгашларидан бири ана шу «Нистру» совхози базасида ўтказилган эди, ўшанда бу хўжаликда мевали дарахтларнинг вируссиз навлари ноёб бисотини, яъни «банки»ни яратишга қарор қилинди.

Совхоз директорининг фикрича, ҳамма ишда таваккал зарур, айниқса янги, ва масъулиятли юмушда таваккал қилмасдан бўлмайди. Аммо бу таваккалнинг чеки бўлиши лозим. Шунинг учун ҳам у совхозда республикада биринчи бўлиб вируссиз боғ бунёд этди.

Хўжалик ҳозир ҳар йили ўз кўчатзорларида уч миллионта элита кўчатлари етиштириб, мамлакатимизнинг жанубий регионлари ва чет элларга жўнатмоқда, бу кўчатлар касалликларга чалинмайди.

М. МАТЮПАТЕНКО.
Оргеев

МЕҲР ТОВЛАНГАНДА...

Ҳаётда меҳр-оқибатдан кучли ва жозибали, қалбларни ларзага солиб товланадиган, биридан-бири баҳра оладиган инсоний ҳиссиёт, меҳр туйғуси бўлмаса керак. Одамлардан меҳр-оқибат кўтарилса олам остин-устин бўлади, деган халқимиз ҳикмати бежиз айтилмаган. Меҳри дарё одамгина энг оғир дамларда дўстларга мадад қўлини узатади, ҳамдард бўлади, бирга жон олиб, бирга жон беради. Улуғ Октябрнинг муборак етмиш йиллиги арафасида халқимизнинг ана шу меҳр-оқибати — демакки, дўстларнинг қон-қариндошлиги оқибатларидек олижаноб фазилатлар ҳақида гапириш жуда ўринли, фахрлидир.

Минг афсуслар бўлсинки, ҳаётимизда, сиз билан бизнинг ёнгинамизда мана шу инсоний ҳис-туйғудан маҳрум кишилар яшаб, фаолият кўрсатганлари, уларнинг қилмиш-қидирмишлари, бирники мингга, мингники туманга дейилганидек, жамиятимиз юзига доғ бўлиб тушди. Бу доғни ювиш осон бўлаётгани йўқ. Аммо тозалаб ювиш, киртишлаб ташлаш керакки, бусиз қайта қуриш, жадаллаштириш, демакки, поклашимиз қийин кечади. Шундай қилмоғимиз лозимки, меҳр-оқибатимиз келажак авлод тарбиясида поклигича сақлансин. Интернационал дўстлигимизнинг мағзи, асосий омили бўлган меҳр-оқибатимиз ҳамиша товланиб турсин.

Ҳар қандай дўстлик шахсий муносабатдан, нигоҳлар тўқнашуви, самимий табассум, ҳаяжонли юрак уришлари, қаттиқ қўл қисишлар, бирининг бағрида иккинчисининг яйраб кетишидан бошланади ва ўсиб вояга етиб, катта дўстликка айланади.

Табиийки, бундай пайтда дўстлик ҳақида гап борганда, дастлаб ҳамкасбларни эслайсан, киши.

Молдаванларнинггинамас, бутун совет адабиётининг фахри бўлган ажойиб шоир, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Молдавия ССР халқ ёзувчиси Андрей Лупан айни бир вақтда йирик олим ҳамдир. Бугунги кунда молдаванлар унинг асарларини қанчалик севиб ўқисалар, ўлканинг ёппасига саводхон бўлишида дастлабки Алифбе тузувчиларнинг бири бўлганидан миннатдор бўлиб унинг номини тилга оладилар.

Ҳамқалам дўстим академик Андрей Лупан тузган Алифбени ўқиб, савод чиқарганларнинг ўзидан бугунги кунда академиклар, илм даргоҳларида кафедраларни бошқараётган, лабораторияларга бошчилик қилаётган ажойиб врачлар, инженер, механизаторлар, меъморлар етишиб чиққан.

Молдавия ССР халқ ёзувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Емилиан Буковни эслаганимда бутун молдаван ҳамкасбларни кўргандек бўламан. Эндиликда унинг ажойиб издошлари етишиб чиқдики, шулардан бири истеъдодли шоир, Молдавия Ленин комсомоли мукофоти лауреати Николае Дабижа кечагина ўлкамизда бўлиб ўтган совет адабиёти кунларида қатнашиб, ўзбекистонлик китобхонларни хушнуд этди. Навоий номидаги Катта театримизда бўлиб ўтган дўстлик байрами мушоирасида таҳсинларга сазовор бўлди.

Адабиётлар дўстлиги— халқлар дўстлигидир. Шу ҳақда ўйлаганимда Молдавияда бўлиб ўтган улкан адабий байрам —Совет адабиёти кунларини ҳаяжон билан эслайман.

Адабиёт кунларига отланар эканман, сафар олдидан табаррук отахонимиз, машҳур соҳибкор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Давлат мукофотининг лауреати Ризамат ота Мусамуҳамедов ҳузурларида бўлгандим. Ризамат ота ҳақида чорак аср муқаддам очерк ёзгандим, отанинг мамлакатимиздаги токзор хўжаликларининг кўпларида шогирдлари борлигини билардим. «Молдавияга кетяпман», дейишим биланоқ, отахон Молдавия узумзорлари, соҳибкорлари, у ердаги шогирдлари ҳақида ҳаяжон билан, худди кечагидек гапириб бердилар ва албатта, ҳамкасбларига салом айтишимни илтимос қилдилар.

Адабиёт кунларининг Кишиневдаги «Октомбрие» саройида кўп минг кишилик тантанали очилишида республикамиз адиблари номидан сўзлаш насиб этди. Молдаван дўстларга Улуғ Ватан уруши йиллари мамлакатнинг бошқа шарқий районлари қатори Ўзбекистон фронтнинг қудратли арсеналига айланган, республика фронт яқинидан кўчириб келтирилган бир миллиондан ортиқ кишини, шу жумладан, 200 минг болани ўз бағрига олганини айтиб, молдаван қизлари: опа-сингил Ляна билан Марикалар ўзбек хонадонида тарбияланганлари, кичик Марикани эса ўзбек аёли эмизиб, боққанини гапириб бердим.

Тошкент табиий офатдан вайрон бўлганида қардош республикалар қатори молдавиялик дўстлар ҳам шаҳарни қайта тиклашда қатнашганлари, Молдавия қурувчилари билан комсомол студентлар отрядлари ҳар бири 96 квартирали уйлар, болалар боғчаси қуриб беришганини тошкентликлар миннатдорчилик билан эслайдилар. Молдаванлар ўша ер қимирлаган йили 1400 тошкентлик болани лагерларга қабул қилиб, меҳрибонлик кўрсатган эдилар. Ҳаётининг бир ёзи Молдавия тупроғида ўтган бу гўдаклар бир умр дўстлар диёрини унутмасликлари турган гап. Шуларни гапира туриб узумчилигимизнинг алломаси Ризамат отанинг номини тилга олганимни биламан, бирдан гулдирос қарсак садолари янграб, ҳийлагача гапиртиргани қўйишмади.

Ризамат отанинг табаррук номи эртасигаёқ барча республика газеталари, ҳатто марказий матбуот саҳифасида қон-қардошликнинг, интернационал дўстликнинг ёрқин тимсоли сифатида, ўзбек поэзиясининг бобокалони, даҳоси Алишер Навоий бўлса, узумчилик поэзиясининг бобокалони, даҳоси Ризамат ота деган образли ифодаланиб, зикр этилган эди. Ризамат отанинг ҳурмати бу қадар меҳр билан қадрланиши қайси бир ҳамюртнинг ифтихорини оширмайди. Биз Ўзбекистондан борган ёзувчилар ҳам адабиёт кунларида худди шундай ҳис-туйғуни кечирдик. Қаерда бўлмайлик, айниқса, боғбонлар, эндиликда ўзлари моҳир соҳибкор, агроном бўлиб етишган узумкор шогирдлари орасида бўлган суҳбатларимизда, учрашувларда, албатта, шу ҳақда, Ризамат ота яратган янги навларнинг афзалликлари ҳақида гап борарди. Ўшанда табаррук тўқсон беш ёшини нишонлаётган отахонга шогирдларидан бир қучоқ салом келтиргандим...

Тошкент билан Кишиневни тўрт минг километрли масофа ажратиб туради. Аммо дўстлар меҳри товланганда, масофа ўз-ўзидан чекинаркан, фақат қалбларнинг бир маромдаги зарблари эшитилиб тураркан.

Раҳмат ФАЙЗИЙ,
Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси.

СУБ СОАРЕЛЕ ОКТОМБРИН

Ной–Молдовей,
Молдова–ноуэ

ЎЗБЕКИСТОН—ДЎСТЛАР НИГОҲИДА

Яқинда Молдавия Компартияси Марказий Комитети, республика Олий Совети ва Министрлар Советининг органи «Молдова социалистэ» газетаси Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги муносабати билан бир саҳифасини республикамиз ҳаётига бағишлаб чиқарди. Унда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти П. Ҳабибуллаев, Хоразм область Хонқа районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Т. Раҳимов, Тошкентдаги 1-уйсозлик комбинати касаба союз комитетининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони И. Ориповларнинг мақолалари ўрин олган. Ушбу мақолаларда республикамизда 120 дан зиёд миллат ва элат вакиллари ўзаро дўст, аҳил оила бўлиб яшаётганликлари ва меҳнат қилаётганликлари, республика ижтимоий ҳаётида эришилган катта муваффақиятлар, қайта қуриш йўлида олиб борилаётган яратувчилик ишлари, кейинги даврда рўй бераётган ижобий ўзгаришлар ҳақида сўз юритилади.

Саҳифада, шунингдек, Ўзбекистон ва Молдавия республикаларининг саноат, қишлоқ хўжалиги, фан ва маданият соҳасидаги ўзаро алоқаларига доир факт ва рақамлар, республикамиз пойтахти — Тошкент шаҳрининг бугунги жамолини акс эттирадиган фотосуратлар берилган.

ҚЎЛНИ ҚЎЛГА БЕРИБ. В. И. Ленин номидаги Кишинёв давлат университетида жаҳоннинг 66 мамлакатидан келган ёшлар тах сил олишмоқда.
М. Потирника, А. Симановский фотолари. ТАСС фотохроникаси.

«БИОТРОН» ПАРДАНИ ОЧМОҚДА

«Шамолни даладан изла» деган ибора яқин орада агротехникага доир дарсликларга киритилиши мумкин. Молдавия ССР Фанлар академияси экологик генетика институти ходимларининг аниқлашларича, турли қишлоқ хўжалик экинлари баргларининг фотосинтез қобилияти шамол туфайли деярли икки баравар ортар экан.

«Биотрон» илмий ускуналарнинг нодир комплекси бошқа об-ҳаво омиллари каби шамолнинг хизматини аниқлаш имконини берди. Бу комплекс илмий-тадқиқотлар ва метрологияни автоматлаштириш институтининг академик марказида барпо этилди...

Комплексдаги иқлим камераларидан бирининг ойнасидан назар ташлаймиз. Бу ерда маккажўхори ўсмоқда, унинг баргларига хилма-хил датчиклар ўрнатилган пўлат «қўллар» чўзилган. Бу датчиклар ҳарорат, ҳаво намлиги, ёруғлик таъсирида ўсимликда юз берадиган жуда нозик ўзгаришларни қайд этади. Ана шу маълумотлар электр сигналга айлантирилади ва у электрон ҳисоблаш машинасининг хотирасига келиб тушади. Электрон ҳисоблаш машинаси бу сигналларни берилган программага мувофиқ саралайди. Шундай қилиб, тадқиқотчи дисплей экранида шунчаки рақамлардан иборат ахборотни эмас, балки машинанинг кўп кунлик кузатишлари ва хулосалари натижаларини кўриб туради.

Илгари ўн уч параметр бўйича кўрсатувлар қайд этилиб, таҳлил қилинар эди. Ҳозир уларга яна биттаси қўшилди — эндиликда ўсимлик барги олдидаги ҳаво қатламининг қаршилиги ҳам ўлчанмоқда. Худди шу параметрга асосланиб, шамолнинг фотосинтезга таъсири аниқланади.

Мана ўсимлик поясига мустаҳкамлаб қўйилган ойна парчаси. Унинг ичида алоҳида датчик бор. Датчик ҳароратнинг ўзгаришини қайд этиб туради. Компьютер ёрдамида ана шу датчик сигналларига қараб яшил ярпоқ билан муҳит ўртасидаги газ алмашинувига баҳо берилади. Бинобарин, фотосинтез қандай ўтаётганлигига баҳо берилади. Иқлим камерасида вентиляторни ишга солиш биланоқ ўсимликнинг ёруғлик энергиясини тўплаш жараёни кучаяди, шамол тўхтагач эса кескин секинлашади.

—Яқин келажакда теплицаларда, баъзи жойларда эса далаларда... вентилятор ўрнатилиши эҳтимолдан ҳоли эмас,— дейди институт директорининг ўринбосари А. Г. Жакотэ. — Ана шунда «шамолни даладан изла» деган нақлнинг маъноси ўзгаради. Лекин биз олиб бораётган ишларнинг пировард мақсади фақат шундагина эмас, албатта. «Биотрон»да ўсимликларнинг генетик потенциали тадқиқ этилмоқда. Бу ўсимликлар кейинчалик селекционерлар учун иш бошланадиган материал бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бу ерда қишлоқ хўжалик экинларининг у ёки бу навларини қандай экологик шароитда етиштириш мақбуллиги аниқланади. Янги биологик актив моддаларга жадаллик билан баҳо берилади. Ана шу фундаментал тадқиқотлар натижасида ўсимликшуносликнинг принцип жиҳатидан янги — адаптик системаси яратилади. Бу системага ўтиш ноқулай иқлим шароитларида ҳам мўл ҳосил олишга имкон беради.

Ф. ТРИШИН.

Саҳифада ТАСС мухбирларининг мақола ва фотоларидан фойдаланилди.

ЎТГАН ҲАФТА ПОЧТАСИДАН

ХАТЛАР–ҲАЁТ КЎЗГУСИ

● Редакциямиз газетхонлардан ичимлик сув, газлаштириш, уй-жой, ободонлаштириш, аҳолига маданий-маиший, транспорт хизмати кўрсатиш ва бошқа мавзуларда **250 га яқин хат-хабар, ариза ва шикоят,** тегишли ташкилотлардан газетада босилган ва босилмаган материаллар юзасидан **70 дан знёд расмий жавоб,** шу бугунги ҳаёт нафасини ўзида ифодаловчи **12 та фотосурат** олди.

● Аксарият ариза ва шикоятлар текшириш ва чора кўриш учун тегишли идора ҳамда ташкилотларга юборилди. Меҳнаткашлар хатларига ўз вақтида жавоб бермаган ташкилотларни маълум қиламиз: Самарқанддан К. Сандовнинг хатига **Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти министрлиги,** Б. Ҳамроев, С. Хасанова, К. Номозовларнинг шикоятларига **Самарқанд область Совети ижроия комитети;** А. Нишоновнинг аризасига **Ўзбекистон район партия комитети,** С. Отажоновнинг хатига **Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги,** К. Ражабов, Г. Исмонлова, Г. Абдуллаевларнинг аризаларига **Хоразм область партия комитети,** Н. Омонов, Н. Солиевларнинг шикоят хатларига **Чироқчи район Совети ижроия комитети** ҳанузгача жавоб беришмаяпти.

● Газетада босилган танқидий, проблематик ва бош мақолаларга жавоб бериш муддатини чўзиб келаётган ташкилотлар эса қуйидагилардир: **Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги** («Пахта пишмаяпти, нега?»), **«Главсредазирсовхозстрой»** («Коллектив пудрат афзаллиги»), **Гулистон шаҳар партия комитети** («Талабчанлик етишмаганда»), **Жиззах область Совети ижроия комитети** («Ёшлар жисмоний баркамол бўлсин»).

НАЗОРАТ ДАВОМ ЭТАДИ

«Совет Ўзбекистони» «Очиқ хатлар куни» материаллари изидан

«Совет Ўзбекистони» газетаси Хўжайли район партия комитети ва шаҳар Совети ижроия комитети билан биргаликда аҳолига транспорт, алоқа, савдо, маданий-маиший ва коммунал хизмати кўрсатишни яхшилашга бағишлаб, «Очиқ хатлар куни» ўтказганига ҳам бир йилдан ошди. Ана шу давр мобайнида бу соҳаларда қандай ишлар амалга оширилди?

Шаҳардаги ҳамма корхоналар план ва топшириқларини ошириб бажаряпти, деб бўлмайди. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш фабрикаси гилам-палос тўқиш планларини бажармаётир. Ўтган йили кадрлар қўнимсизлиги ва хом ашё етишмаслигидан 3 минг 846 квадрат-метр гилам кам ишлаб чиқарилди. Ип йигириш фабрикаси, ғишт заводида ҳам аҳвол ана шундай. Бунинг асосий сабабларидан бири ишлаб чиқариш ва меҳнат интизоминнинг бўшаштириб юборилганлигидадир.

Капитал қурилиш тўғрисида район партия комитети ва шаҳар ижроия комитетида кўп гапирилади, танқид қилинади, яхши таклифлар ва тавсиялар киритилади. Лекин булар кўпинча қоғозда қолиб кетади. Оқибатда ажратилган капитал маблағлар тўлалигича ўзлаштирилмайди. Объектларнинг суръати ва сифати талабга жавоб бермаяпти. Кейинги ўн йилда атиги тўқсонта квартира қурилиб, фойдаланишга топширилди, холос. Турар жойлар, маданий-маиший объектлар қурилиши ва уларни белгиланган муддатларда битказиб фойдаланишга топшириш ҳамон асосий муаммо бўлиб қоляпти.

Аҳолига автотранспорт хизматини яхшилаш бўйича бирмунча ишлар қилинди. Бироқ ҳали талаблар даражасида эмас. Бекатларда соябонлар қурилмаган. Автостанцияда йўловчилар учун қулай шарт-шароитлар яратилмаган. Шаҳарда бир қанча магазинлар, ошхоналар, маиший хизмат уйлари фойдаланишга топширилди. Лекин савдода харидорларга хизмат кўрсатиш маданияти паст. Айрим савдо точкаларида камёб молларни пештахта тагидан узатиш, таниш-билишларга бериш, харидорлар ҳақига хиёнат қилиш каби салбий ҳолатлар давом этиб келяпти.

— Шаҳар аҳолисини ичимлик сув билан таъминлаш муаммоси ҳамон ечилмасдан қоляпти, — дейди шаҳар водопровод тармоқлари хўжалиги бошлиғи Ю. Собиров. — Бизга амалий ёрдам берадиган ташкилот ҳамон йўқ. Шаҳарда камида йигирма минг куб-метр ҳажмда фильтрлаш станцияси қурилиши керак эди. Бу иш ҳам ора йўлда қолиб кетди. Ҳалигача кеча-ю-кундуз ишлайдиган авария-диспетчерлик пункти очиш масаласи ечилмасдан қоляпти. Бу масалани ҳал этишда Қорақалпоғистон АССР «Водоканал» бошқармаси ёрдам кўрсатмаяпти.

Район марказий касалхонаси канализацияси шаҳар тармоғига уланди. Даволаш муассасалари ремонт қилинди.

— Шунга қарамай шаҳарда даволаш муассасалари ҳамон кам, — дейди марказий касалхона бош врачи Ўринбосари Ж. Тўрабоев, — врачлар ва беморлар учун яратилган шароит кўнгилдагидек эмас. Бир кабинетда уч-тўрт врач беморларни қабул қилади. Шаҳарда «Тез ёрдам» машинасини кўпайтириш масаласи ҳанузгача ҳал қилинмаяпти. Бу ерда атиги тўртта «тез ёрдам» машинаси бор, холос.

Бундан олти-етти йил илгари 240 ўринли касалхона ва беш юз ўринли поликлиника қурилиши бошланган эди. Лекин бу объектлар қурилиши ҳамон чўзилиб кетяпти. Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети капитал қурилиш бошқармаси эса ана шу объектни битказиб, фойдаланишга топширишни планлаштирмаётир.

Касалхона комплексини қураётган «Тахиаташгидроэнергострой» бошқармаси раҳбарлари эса бу объектнинг қачон қурилиб ишга туширилишини билишмайди.

Бунинг устига фойдаланишга топширилган объектлар сифатсиз қурилган. Масалан, ҳаммом, кир ювиш комбинати тўрт йил деганда ишга туширилди. Бироқ у кўп ишламай фаолиятини тўхтатди. Сабабини суриштирдик.

— Ҳаммом ва кир ювиш комбинатида қозон нотўғри қурилган, — дейди район аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи Т. Иброҳимов. — Шунинг учун сув яхши исимайди. Сув етказиб берадиган насос ҳам тезда ишдан чиқди. Кир ювиш хонаси умуман ишламаяпти. Бундай яроқсиз, брак объектнинг кимга кераги бор. Бу бинони 3-қурилиш трестига қарашли МПМК қурувчилари мендан кетгунча, эгасига етгунча, қабилида қилиб топширишган.

Кўриниб турибдики, аксарият қурилиш ташкилотлари ўз ишларини қайта қуриб олмаяптилар. Эски услуб ва методлар билан ишлаётирлар. 3-қурилиш тресті ва механизациялаштирган кўчма колоннада аҳвол ана шундай.

Кейинги икки йилда алоқа тармоғи раҳбарлари иккиуч марта янгиланди. Унинг бошлиғи ўзгаргани билан алоқа хизмати яхшиланмаяпти. Яъни «Очиқ хатлар куни»да айтилган газета-журналлар, корреспонденциялар етказиб беришдаги камчиликлар, телефон хизматидаги нуқсонлар ҳамон давом этиб келяпти. АТС-лардаги телефонлардан шаҳарга чиқиш қийин. Ўтган йили 773, бу йил 900 телефон точкаси ўрнатилиши планлаштирилган. Яқин келажакда улар сони 5000 тага етказилади. «Бироқ телефон алоқаси қуришда симёғоч, кабеллар ва бошқа материалларнинг етишмаслиги ишимизда қийинчиликлар туғдирмоқда, — дейди район алоқа тармоғи бошлиғи Х. Мадаминов. — Радиоточкаларни қуриш бўйича белгиланган план ва топшириқлар ҳам йил сайин бажарилмасдан қоляпти. Бу аҳволни яхшилашда Қорақалпоғистон АССР алоқа ишлаб чиқариш бошқармаси амалий ёрдам кўрсатиши керак...»

Хуллас, «Совет Ўзбекистони» «Очиқ хатлар куни»да кўтарилган масалаларнинг бажарилишини редакция ўз назоратига олиб, кузатиб боради.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ГАЗЕТХОН:

Мақтайди...

ҚУРИЛИШ ХАМИРТУРИШИ

«Ленинчи йўл» колхози ғишт заводи ўтган йили қуриб битказилган. Чиқарилаётган маҳсулот сифати яхши. Шунинг учун уйчиликларнинг ғиштга талаби кун сайин ортмоқда. Бу ердаги ишларнинг 80 проценти механизациялаштирилган. Табиий газ ёрдамида етилиб пишган ғиштлар ниҳоятда сифатли.

Ишчиларнинг унумли меҳнат қилишлари учун ҳамма етарли шарт-шароитлар яратилган. Бир йўла ошхона, душхона ишчилар хизматида. Социалистик мусобақа намунали йўлга қўйилиб, ғолиблар моддий ва маънавий рағбатлантириб бориляпти. Шу туфайли бу ерда уч сменали иш тартиби жорий этилган. Кунига ўртача 30 минг дона пишиқ ғишт реализация қилиняпти.

Қолиплаш цехининг Махаммаджон Нўъмонжонов бошлиқ бригадаси аъзолари А. Ёқуббоев, А. Алиев, Б. Бойматов, пишириш цехининг Ҳамидулла Расулов етакчилик қилаётган бригадаси коллективи тақсинга лойиқ. М. Жўраев, М. Саидматов, Х. Каримов каби ўз касбининг моҳир усталари кунлик нормаларини 1,5—2 ҳисса адо этиб, ҳамкасблари ўртасида ҳурмат-эътибор қозонишаётир.

— Ғиштга тупроқни завод яқинидан олаётганимиз учун маҳсулот таннархи арзон бўляпти, — дейди завод директори Раҳимбой Мўминов. — Энг асосийси, тайёрланаётган ғиштлар ГОСТ талабига мос келяпти. Аҳолининг истеъмол молларига бўлган талабини ҳисобга олиб, арзиқ тайёрлаш цехини очишни планлаштирдик.

Корхонада ютуқлар билан бирга муаммолар ҳам йўқ эмас. Жумладан, қолиплаш цехидан пишириш цехига ғишт узатувчи механизмни қайта реконструкция қилиш зарур. Бунинг учун керакли асбоб-ускуналар етишмайди. Колхозлараро механизациялашган кўчма колоннадагиларнинг айби билан ҳанузгача ёзги душ қурилиши бошланганги йўқ.

Завод тўла қувват билан ишлаганда 20 миллион дона ғишт ишлаб чиқариши керак: Лекин бу ерда йилига бор-йўғи 7 миллиондан ортиқроқ ғишт тайёрлаш имконияти мавжуд. Корхонанинг тўла қувват билан ишлашига эришиш учун ҳали кўп ташкилий-тадбирий ишларни амалга оширишга тўғри келади.

А. ХОЖИМАТОВ,
Наманган области.

Илтимос қилади...

СПОРТЛОТО КИОСКАСИНИ КИМ ОЧАДИ?

Ҳурматли редакция! Ҳозирги кунда спортлото ўйинларига кўпчилик қизиқади. Буни бизнинг Беруний райони спортсеварлари, айниқса, ёшлари жуда севиб ўйнашади. Бундан 8-10 йил олдин Беруний шаҳрининг марказида ҳам «Спортлото» киоскаси дурустгина ишлаб турарди. Лекин нима сабаб бўлди-ю, бу киоска ёпиб қўйилди.

Киоскани янгидан ишга туширишнинг тўғрисида биз маҳаллий радио эшиттириш орқали ташвишли сигнал бердик, район «Пахтакор» газетасида танқидий мақола босилди. Аммо, ҳозиргача ҳеч қандай ўзгариш бўлмади. Спортлото ишқибозлари шунча йўл босиб, Нукус ва Урганч шаҳарларига боришга мажбур бўлмоқдалар. Хўш, бу киоскани ким очади?!

М. МУХАНОВ.
ҚҚАССР.

Излайди...

ЛАМПА ШИША ТОПОЛМАЙ...

Бизларни арзимаган бир нарса жуда қийнаяпти. Ў ҳам бўлса лампа шишадир. Қарши, Ғузор, Қамаши, Яккабоғ, Тошкент каби шаҳарларнинг магазинларидан суриштирдик. Сотувчилар эса кўп вақтдан бери умуман келгани йўқ, дейишади.

Чироқсиз ўтиришни бир тасаввур қилиб кўринг-а! Шу вақтда қаердадир болалар дарс тайёрлаётган, кимлардир овқат пишираётган бўлишади. Устига-устак бир неча йилдирки, керосин билан лампа шишаси магазинлардан топилмайди.

Яқинда базага лампа шишаси келибди, деб эшитгандик. Лекин лампа шиша магазинларга чиқмасдан чайқовчилар қўлида донаси 1,5—2 сўмдан пайдо бўлиб қолди. Улардан ҳам ҳаракат қилган олди, кўпчилик ололмай қолаверди.

Нима учун мутасадди кишилар бунга аҳамият беришмайди? Ёки республикамизда лампа шишаси ишлаб чиқарадиган завод йўқми? Шу арзимаган 11 тийинлик нарсани ҳам газетага ёзишимиз керакмиди?

Бу ҳақда тегишли ташкилотлар раҳбарлари нима дейишаркин?

О. РАШИДОВ.
Қашқадарё области.

Танқид қилади...

«ЛИП—ЛИП ЧИРОҚ»

Кўпчилик бундай чироқнинг борлигини билмаса керак. Лекин унинг борлиги аниқ. Агар ишонмасангиз бизнинг Ўзбекистон районидаги «Пахтақайнар» колхозига меҳмон бўлиб келинг.

Мана бир ойдан ошдики, хонадонлардаги электр чироқлари липиллагани-липиллаган. Боз устига, у бир неча кун ёнмай қоляпти.

Бу ҳақда колхоз монтёрларига мурожаат қилсак, буни район электр тармоқлари идорасидан сўранглар, биз ўчирганимиз йўқ, дейишади.

Ҳурматли редакция! Арзимизни Ўзбекистон район электр тармоқлари идорасига етказиб, лип-лип чироқ азобидан тезроқ қутилишимизга ёрдам беришингизни сўраймиз.

Колхоз меҳнаткашлари арзини оққа кўчирувчи

М. ДАВРОНОВ,
Фарғона области.

РЕКЛАМА ва ЭЪЛОНЛАР

СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги
ОНКОЛОГИЯ ВА РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
лабораториялар бўйича вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

мудирлар: клиник онкология бўлими (медицина фанлари доктори), шишлар иммунологияси;
катта илмий ходимлар: клиник радиология, экспериментал радиология, шишларнинг комплекс терапияси, канцерогенез механизмлари (электрофизиология);
кичик илмий ходимлар: эпидемология ва профилактика, канцерогенез механизми, биофизика, химиотерапия;
клиник ординатурага онкология мутахассислиги бўйича кичик илмий ходим.
Конкурс муддати 21 июнгача
Конкурслар тўғрисидаги низомга мувофиқ ҳужжатлар тайёрлаб қуйидаги адресга юборилсин: 700095, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 383-уй.

●

Граждан қурилиши давлат комитети
ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ТУРАР-ЖОЙ ВА ЖАМОАТ БИНОЛАРИНИ ТИПОВОЙ ВА ЭКСПЕРИМЕНТАЛ ЛОЙИҲАЛАШТИРИШ ЗОНАЛ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ВА ЛОЙИҲА ИНСТИТУТИ
(Таш ЗНИИЭП)
вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

катта илмий ходимлар: жамоат биноларининг типологияси, турар жой ва жамоат биноларининг иситиш системаси, конструкцияларни заводда тайёрлаш технологияси (2), қурилиш конструкциялари;
кичик илмий ходимлар: жамоат бинолари типологияси, қурилиш физикаси (турар жой ва жамоат биноларини қуёшдан ҳимоя қилиш ва қуёш тўсиқлари).
Конкурсда тегишли ихтисосга эга бўлган, илмий даража ёки иш тажрибаси бор мутахассислар қатнашадилар.
КОНКУРС МУДДАТИ — 21 июнгача.
Мурожаат учун адрес: 700095, Тошкент шаҳри, Ниёзов кўчаси, 17-уй. Телефон 46-07-13.

●

«ПАХТАКОР» МАРКАЗИЙ СТАДИОНИДА
СССР биринчилиги учун
10 ИЮНЬ СОАТ 19.00 ДА
«ПАХТАКОР» (Тошкент) —«ДАУГАВА» (Рига)
13 ИЮНЬ СОАТ 19.00 ДА
«ПАХТАКОР» (Тошкент) —«ШИННИК» (Ярославль)
командалари ўртасида

Футбол

• Янги шеърлар

Давр шамоли

Переделкино чорбоғларида
Саҳарлардан қушлар
чах-чахлар,
Не тонг, ҳаёт завқи — барида,
Ўз тилида дунёни шарҳлар.
Бу ерларда ҳеч ким
ёш ўлмас,
Ўз куйини куйлаб қарийди.
Шулар каби олсам-да нафас,
Қўшиқ айтиб ўлсам, қанийди.

* * *

Шабнамларда ўйнар шафақ,
Шафақ аро ўйнар нур,
Нур қўйнида дарчамдан
Бутун олам кўринур.
Дейман: «Эвоҳ,
кўрганларим —
Олаётиб қаламга, —
Менинг ҳам шу юпун дарчам
Кўринурми оламга!!»

* * *

Дўстлар, мақтанмайлик, бизлар четда деб,
Жилла бўлмаса-да сал-пал йўталдик.
Қайга бошласалар, кўкракка уриб,
Шнорларни байроқ қилиб кўтардик.
Ҳеч нарса қолмаскан ҳукмидан ҳоли,
Вақт фарқлаб берди қора ва оқни.
Бугун дов билмаган давр шамоли
Синдириб ташлади ўт шалдироқни.

* * *

Одамнинг ўзига боғлиқмас, деярлар,
Қачон,
Қайда,
Қайси ота-онадан
Туғилмоғи.
Менга фарқсиз.
Тақдирлар —
Суронни кўрмаса ғариб яна-да.

Суронни севардим,
Ватаним, онам —
Бошим силаб отди ўт қучоғига.
Шу-шу, бурч деб билдим ҳар
машаққат дам
бориб қолганда ҳам ўлим чоҳига.

* * *

У ҳам одам,
Унда ҳам кўз, қош...
Гаплашади бемалол, секин.
Кўксидаги қалбми ёки гўшт
Билиб бўлмас бунисин
лекин.
Қачон кирма — эрта келинг,
дер,
Бундан бошқа... йўқ...
индамайди.
Унга иш тушган шўрларнинг
Олди кетди, кети камайди.
Кўрди не-не алломаларни
«Эрта келинг», — дея
ўлтирар.
Адо бўлмас «Эрта келинг»ги
«Эрта келинг» билан ўлдирар.

Низомжон ПАРДА.

Спорт

● **ҚИЛИЧБОЗЛИК.** Тошкентда касаба союзлари физкультура ва спорт ягона жамиятининг дастлабки Бутуниттифоқ турнири ўтказилди. Москвалик рапирачи В. Сидорова муваффақият қозонди. Эркаклар мусобақасида украин спортчилари юқори натижа кўрсатишди. О. Брусиловский рапира бўйича ғалаб қозонган бўлса, В. Соколов қиличбозлик баҳсида зафар қучди. Ю. Кузнецов эса шамшир ўйнатишни ўрнига қўйди. Тошкентлик шамширчи В. Сосин кумуш медали совриндори бўлди.

● **ФУТБОЛ.** СССР кубоги учун дастлабки учрашувлар бўлиб ўтди. 1/64 финал баҳсида республикамиз футбол командалари муваффақиятли қатнашишга ҳаракат қилишди. Жумладан, андижонлик пахтакорчилар Чимкентнинг «Мелиоратор» коллективини қабул қилиб, 2:0 ҳисобида устун келишди. Фарғонанинг «Нефтяник» футболчилари Барнаулда маҳаллий динамочилар билан ўйнаб, 6:5 ҳисобида зафар қучишди. Тошкентнинг «Пахтакор» командаси ҳам сафарда Целиноградниг «Целинник» футболчиларини 2:1 ҳисобида енгишди. «Крилья Советов» — «Динамо» (Самарқанд) — 2:1, «Геолог» — «Соҳибкор (Халқобод) — 5:1.



• Фотофельетон

АЛДАГАНИ БОЛА ЯХШИМИ?

Сурхондарё область Қумқўрғон районидаги «Қизил Октябрь» колхозига борганмисиз? Йўқ, дейсизми? Ундай бўлса биргаликда шу хўжаликка қисқача саёҳат қилайлик. Ана, хўжаликнинг марказий қўрғонига ҳам етиб келдик. Ундаги бир-биридан чиройли иморатлар, гўлзорлар кишида ажиб бир завқ уйғотиши турган гап. Колхоз правлениеси биноси (1-сурат) кўринишидан кўз қамашади. Худди шаҳарлардаги иморатларга ўхшайди. Нақадар улуғвор, гўзал.

Энди хўжаликнинг бригадаларига ташриф буюрамиз. Афсуски, дастлабки завқингиз бора-бора сўна бошлайди. Чунки, мавжуд 26 та бригададан фақат 6 тасидагина типовой дала шийпони бор. Қолганлари-чи? Тасвирлашга тил ожиз. Улар нариндан-бери ҳашар йўли билан тикланган брезент бостирмалардир. Хуллас, областдаги бу кўҳна хўжаликда меҳнатчиларнинг ишлашлари ва дам олишлари учун шу пайтгача нормал шарт-шароитлар яратиб берилмаган.

Алдагани бола яхши, деган мақолнинг ҳақлигига шу хўжаликда ўзингиз ишонишингиз мумкин. Негаки, шундай катта бир колхозда бор-йўғи... 65 ўринли «Саодат» болалар боғчаси мавжуд. Аммо унинг биноси ҳам тутдай тўкилай деб турибди. У энг керакли ускуналар билан ҳам жиҳозланмаган. Ўйинчоқлар, зарур буюмлар етишмайди. 2-суратга қаранг. Унда кичкинтойларнинг бу боғчада қандай дам олиб, тарбия кўраётганликлари акс эттирилган. Қолган мавсумий болалар боғчалари эшикларига қулф тушганига анча бўлган (3-сурат).

Бундай ачинарли аҳволдан колхоз раҳбарларининг хабарлари йўқ бўлса керак, деб ўйларсиз. Асло ундай эмас. Колхоз раиси Эсон Жўраев, унинг ўринбосари Ҳайбулла Ҳасанов ва партия комитетети секретари Эргаш Иброҳимовлар жуда яхши билишади. Аммо улар алдагани бола яхши, қабилида иш тутиб келмоқдалар. Акс ҳолда колхоз идорасига ва ўз кабинетларига зеб беравермай, қулфлоғлиқ боғчага ёзиб қўйилганидек, бизнинг келажагимиз бўлган болалар ҳақида ғамхўрлик қилишарди. Тўғрими?

И. ХУЖАЕВ фотолари.
(ЎзТАГ).

Редактор
Л. ҚАЮМОВ.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Ишлар мудирлиги аппарати коллективи масъул ходим М. А. Эшонхўжаевга акаси

Аъзам ЭШОНХЎЖАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ректорати, партия комитети, касаба союз комитети ва трикотаж ишлаб чиқариш технологияси кафедраси коллективи шу кафедра мудири, доцент Ш. Р. Икромовга акаси

Учқун ИКРОМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент автомобиль транспорти ва йўллар институти ректорати, партия ва касаба союз ташкилотлари физика кафедраси доценти М. Ғойибназаровга отаси

Ғойибназар ЗОКИРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

• Тингланг, томоша қилинг

9 июнь, сешанба

Телевидение

МТ-I. 8.00 — Зарядка. Мультфильм. Музика. 8.30 — Время. 9.15 — Қувноқ стартлар. 9.50 — «Илонинг тожи». Бадиий фильм. 1-серия. 11.00 ва 16.30 — Янгиликлар. 16.45— Ҳужжатли фильм. 17.35 — Халқаро конкурслар лауреати Н. Гаврилова чалади. 17.45 —...16 ёшгача ва ундан катталар. 18.45 — Сиз яратган боғ. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 Мультфильм. 19.40 — Жамоатчилик фикри. 20.45 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — «Илонинг тожи». Бадиий фильм. 1-серия. 23.15 — Дунё воқеалари. 23.30 — Объектив.

МТ-II. 9.00 — Гимнастика. 9.20 — Ҳужжатли фильм. 9.40 Чашмалар. 10.10 — Будильник. 10.40 — Рус тили. 11.10 —Болалар учун фильм. 12.30 — Француз тили. 13.00 — «Тахалуси. Лукач». Бадиий фильм. 14.35— «Голубые крылья» халқ эстрада симфоник оркестрининг чиқиши. 15.05 — Рус лак миниатюрасида Пушкин мавзуи. 15.25 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — Композитор В. Агапкин асарларидан концерт. 19.00 — Ритмик гимнастика. 19.30 — 9-студия. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 20.50—Фан ва техника. 21.00— Теннис. Франция очиқ чемпионати. 21.30 — Время. 22.05 — П. И. Чайковский номли VIII конкурс лауреатларининг концерти. 23.50 — Янгиликлар.

УзТВ-I. 7.10 — Ритмик гимнастика. 7.30 — Салом кичкинтойлар. 7.40 — Пионер телетайпи. 7.50 — Ҳужжатли фильм. 8.00 — Ахборот. 8.20 — Тонгги тароналар. 8.30 — Болалар учун фильм. 17.30 — Янгиликлар. 17.40 — Абитуриент—87. 18.10 — Мультфильм. 18.20 — Иқтисодий шарҳ. 18.50 — Ҳужжатли фильм. 19.00 — Миллионлар ленинча университети. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Бир асар тарихи. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Меҳнат ва бахт тароналари. 21.30 — Время. 22.05 — «Темирчининг байроғи». Бадиий фильм.

УзТВ-II. 19.30 — Қўғирчоқ фильм. 20.05 — Ҳужжатли фильм. 20.25 — «Мен —Тянь-Шань». Бадиий фильм. 2-серия. 21.30 — Время. **ФРУНЗЕ.** 22.05 — «Нотаниш кишининг ҳикояси». Бадиий фильм.

Радио

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 7.40 — Пионер эрталиги. 8.30 — Қўшиғимиз сизга армуғон. 9.30 — Совет Ўзбекистони: одамлар, ишлар ва режалар. 12.10 — Ишчинома. 13.00 — Чорвадор. 13.30 — Ўзбекистон композиторларининг қўшиқлари. 14.00 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун эшиттириш. 15.40 — Биз — ёш ленинчилармиз. 18.15 — Сиёсий ва иқтисодий ўқув системасида ўқув йилининг якунига доир. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети секторининг мудири И. Раҳмонқулов иштирокида эшиттириш. 18.30 — Концерт. 19.20 — Наманган область радиосининг Ёшлигим — олтин чоғим программаси — Ёшлик радиостанциясининг меҳмони. 20.15 — Ўзбек классик куйлари. 20.50 — Мадҳимизда Октябрь. 21.10 — Камалак.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ
(«Советский Узбекистан»)
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР
Издается на узбекском языке



Редакция адреси: 700083, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими телефонлари — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06.